



O'zbekiston Ovozi

№3

2025-yil

22-yanvar, chorshanba

1918-yil

21-iyundan chiqa boshlagan



Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi www.uzbovozi.uz info@uzbovozi.uz



ЎЗБЕКИСТОН ХДП ПЛЕНУМИ: РЕЖА, ҲАРАКАТ, НАТИЖА фаолиятимиз асосини белгиловчи тамойиллар

Ўтган йилни сарҳисоб қилиш, янги йилга режа ҳамда вазифалар белгилаш. Бу ҳар бир соҳада бўлганидек, сиёсий партиялар фаолиятида ҳам тизимлилик, натижадорлик ва хатолардан ҳулоса чиқариш имконини беради. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг навбатдаги пленуми мазкур йўналишдаги

масалаларни қамраб олди. Яъни, партия Уставига мувофиқ, партия Ижроия қўмитаси ва қўйи палатадаги фракциясининг 2024 йилдаги фаолияти натижалари муҳокама қилинди. Шу билан бирга, 2025 йил учун ҳамда ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган вазифаларни белгилаш масалалари кўриб чиқилди.

2

ҲАР БИР МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН МАНФААТИ БОР

ЎЗБЕКИСТОНДА СЎНГИ ЙИЛЛАРДА ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИГА МУНОСАБАТ ТАМОМАН ЎЗГАРДИ. БИР ПАЙТЛАР МУАММОСИ БОР КИШИЛАР КЎП ҲОЛЛАРДА ҚЎЛИДА ҚОҒОЗИ БИЛАН ИДОРАМА-ИДОРА САРСОН ЮРГАН, МУАММОСИНИ КИМГА АЙТИШНИ БИЛМАГАН. МАСЪУЛ РАҲБАРНИНГ ЙИГИЛИШДАН ЧИҚИШИ-Ю ХИЗМАТ САФАРИДАН КЕЛИШИНИ КУНЛАБ КУТИШГАН. ҲОЗИР ВАЗИЯТ БОШҚАЧА.

БУГҲУН РАҲБАРЛАР, ДЕПУТАТЛАР КҲН УЗОҚ ХОНАДА ЭМАС, БАЛКИ АҲОЛИ ОРАСИДА КЎП ЮРЯПТИ. ҲАТТО БИР ПАЙТЛАР ОДАМЛАР ТАНИМАГАН, ФАҚАТ ИСМИНИ ЭШИТГАН, ПОЙТАХТДА ЎТИРГАН ВАЗИРЛАР-У КАТТА-КАТТА ИДОРАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ҲАМ ЖОЙЛАРГА ЧИҚИБ, ОЛИС ҲУДУДЛАРГА БОРИБ, САЙЁР ҚАБУЛЛАР ЎТКАЗЯПТИ, ЎЗИ ХАЛҚ ҲУЗУРИГА БОРЯПТИ. ОДАМЛАРНИНГ ҲАЁТ ДАРАЖАСИНИ, ЖОЙЛАРДАГИ ҲАҚИҚИЙ АҲВОЛНИ ЎЗ КЎЗИ БИЛАН КЎРЯПТИ. ПАРЛАМЕНТ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН ТЕЗ-ТЕЗ УЧРАШАПТИ, МУАММОЛАРНИ ТИНГЛАЯПТИ, МУРОЖААТЛАРНИ ЎРГАНЯПТИ. ТЎҒРИ-ДА, ҲАЁТ ҚОҒОЗДА КЎРСАТИЛГАНДАН БОШҚАЧА.

6



"ОЛТИН ДАВРГА ҚАДАМ"

АҚШНИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗИНИНГ ДАВЛАТ РАҲБАРИ ЛАВОЗИМИГА ҚАЙТИШИНИ МАМЛАКАТ УЧУН ТАРИХИЙ БУРИЛИШ НУҚТАСИ, ДЕБ АТАДИ. ТРАМП "АМЕРИКАНИНГ ПАСАЙИШИ" НИ ТУГАТИШГА ВАЪДА БЕРДИ ВА "КЎШМА ШТАТЛАРНИНГ ОЛТИН ДАВРИ ШУ ЕРДА ВА ҲОЗИР БОШЛАНАДИ", ДЕЯ ТАЪКИДЛАДИ. НУТҚ КАТТА ВАЪДАЛАР ВА ҚАРАМА-ҚАРШИЛИКЛАРГА ҲАМ БОЙ БЎЛДИ.

7 САҲИФАДА

ЭНДИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТАСДИҚДАН ЎТКАЗИШ ОСОН БЎЛМАЙДИ

ГАП ШУНДАКИ, КЕЧА БЎЛИБ ЎТГАН ҚУЙИ ПАЛАТА МАЖЛИСИ ҲАМДА УНДАН ОЛДИНГИ ПАРТИЯ ФРАКЦИЯЛАРИ ЙИГИЛИШЛАРИ БАҲС-МУНОЗАРАЛАР БИЛАН КЕЧДИ. ДЕПУТАТЛАР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИДАГИ ҲАР БИР КИЧИК ДЕТАЛНИ ҲАМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛДИРМАЙ, ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАРГА ИЗОҲ ҲАМДА ТУШУНТИРИШЛАР СЎРАМОҚДА.

3 САҲИФАДА

ЯНГИ ЁНДАШУВЛАР ДАВРИ

КАМБАҒАЛНИНГ БИР ТЎЙГАНИ – БОЙ БЎЛГАНИ, ДЕЙДИ ХАЛҚИМИЗ. БИРОЗ КИНОЯ, БИРОЗ ТАНТИЛИК МУЖАССАМ БУ МАҚОЛ ЗАМИРИДА КЎП ҲАҚИҚАТЛАРНИ КЎРАМИЗ. МИНИМАЛ ЯШАШ ШАРОИТИГА ЭГА БЎЛМАГАН ҲАР ҚАНДАЙ ОДАМНИНГ ЭНГ АСОСИЙ ТАШВИШИ КУННИ АМАЛЛАБ ЎТКАЗИШ, ЯЪНИ, ҚОРИН ТЎЙҒАЗИШ, РЎЗҒОРНИНГ БИРЛАМЧИ КАМ-КЎСТИНИ БУТЛАШ, БОЛАСИ ЁКИ ОИЛАСИДАГИ БОШҚА КИМДИР БЕТОБЛАНСА, УНГА ДОРИ-ДАРМОН ТОПИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛИБ ҚОЛАДИ. УНДА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИК ЁХУД МАМЛАКАТ ТАҚДИРИГА КАМАРБАСТАЛИК ТУЙҒУСИ ТУГУЛ ҲАЁТДАН РОЗИЛИК ҲИССИ ҲАМ БЎЛИШИ ДАРГУМОН. БУНДАЙ КАЙФИЯТДАГИ ИНСОНЛАРНИНГ КЎПЛИГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ УЧУН ОҒРИҚЛИДИР. АКСИНЧА, УЛАРНИНГ СОНИ ҚИСҚАРИБ БОРИШИ ИЖТИМОЙ АДОЛАТ, ИЖТИМОЙ ТЕНГЛИК ВА ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИСЛОҲОТЛАРДА АМАЛИЙ ТАСДИГИНИ ТОПАЁТГАНИНИ КЎРСАТАДИ.

4 САҲИФАДА

» БУГҲУНГИ СОНДА

ҲАМ КЎПРИК
ТАЪМИРЛАНДИ,
ҲАМ СУВ КЕЛТИРИЛДИ



8

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ:
БОЛАЛАРГА ТЕНГ МУНОСАБАТ
БЎЛИШИ КЕРАК!



5

ИЖТИМОЙ КАРТА
НИМА ВА У КИМЛАРГА
БЕРИЛАДИ?



8

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ПЛЕНУМИ: РЕЖА, ҲАРАКАТ, НАТИЖА

фаолиятимиз асосини белгиловчи тамойиллар

Ўтган йилни сарҳисоб қилиш, янги йилга режа ҳамда вазифалар белгилаш. Бу ҳар бир соҳада бўлганидек, сиёсий партиялар фаолиятида ҳам тизимлик, натижадорлик ва хатолардан ҳулоса чиқариш имконини беради. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг навбатдаги пленуми мазкур йўналишдаги масалаларни қамраб олди. Яъни, партия Уставига мувофиқ, партия Ижроия кўмитаси ва қўйи палатадаги фракциясининг 2024 йилдаги фаолияти натижалари муҳокама қилинди. Шу билан бирга, 2025 йил учун ҳамда ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган вазифаларни белгилаш масалалари кўриб чиқилди. Пленумни Марказий Кенгаш раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Улуғбек Иноятов очди. Партия етакчиси Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ва депутатлик корпуси вакилларининг амалга оширган ишлари ҳамда олданда турган устувор масалаларга тўхталиб ўтди.

Аъзолар сони 155 минг нафарга ошди

2024 йилги натижалар ҳақида гап кетар экан, Ўзбекистон ХДП фаолиятида асосий эътибор ўз дастурий вазифаларининг амалга оширилишига қаратилганига урғу берилди. Шунга мувофиқ, партия фракцияси томонидан 2 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди, 6 та қонун лойиҳасига ҳамташаббускор бўлди. Фракция ташаббуси билан 2 марта ҳукумат соти, 3 марта парламент эшитуви ўтказилди. 2 та парламент, 49 та депутат сўрови юборилди. Шунингдек, фракция йўғилишларида 6 марта ҳукумат аъзоларининг ахбороти ва 4 марта мансабдор шахсларнинг ҳисоботи эшитилди.

30 га яқин қонун лойиҳасининг жойлардаги муҳокамаси ташкил этилди. Сайловчилар билан учрашув, сайёр қабулларда фракция аъзолари 1500 га яқин мурожаат келиб тушган.

Пленумда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолияти ҳам таҳлил қилинди. Унга кўра, фуқароларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган 800 дан ортиқ муҳим масалаларни қамраб олган амалий Ҳаракат дастури асосида фаолият ташкил этилган. Шундан келиб чиқиб, 686 та масала партия гуруҳларида муҳокама қилинди. 612 та масала доимий комиссия йўғилишига ва 562 та масала сессия кун тартибига олиб чиқилиб, партия электорати манфаатларига доир тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди.

Бундан ташқари, ҳудудлардаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган 2 833 та депутатлик сўровлари юборилиб, шундан 2 042 таси ижобий ҳал этилди. Ҳудудий раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг эшитувлари сони эса 526 тани ташкил қилади. Умуман олганда, партия халққа яқинлашди, унинг кундалик ташвишлари қулоқ тутиди, мурожаатларнинг ҳал бўлишига ҳаракат қилди. Натижада аҳоли, сайловчиларнинг партияга нисбатан хайрихоҳлиги ва ишончи ортди. Бундай амалий ишлар 155 мингдан зиёд фуқаронинг Ўзбекистон ХДП аъзоси бўлишига замин яратди.

Ислохотлар кузатувчиси эмас, иштирокчиси бўлиш учун

Халқимиз бугун бахтли бўлиши керак. Бунинг учун амалга оширилаётган ислохотларнинг ижтимоий йўналтирилгани муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам манфаатларининг тўла ифода этилиши жамиятда барқарорликни таъминлайди.

Муҳими, мазкур жараёнларда барча даражадаги партия ташкилотлари, депутатлар, фаоллар белни маҳкам боғлаб, бугунги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, ислохотлар кузатувчиси эмас, балки фаол иштирокчиси бўлишга қатъий ҳаракат қилиши керак.

Пленумда ҳозирги кунда ижтимоий ҳимоя, аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш, бошқа ижтимоий муаммоларни самарали ҳал этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани эътироф этилди. Бу партия учун, депутатлик корпуси учун катта масъулият эканига урғу берилди. Шундан келиб чиқиб алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлган масалалар белгиланди.

Биринчидан, 2025 йилда амалга оширишга оид Давлат дастури лойиҳаси кенг муҳокама қилинмоқда. Ушбу жараёнда партия кенгашлари ва депутатлик корпусининг фаол иштирокчиси бўлиши таъминланади ва тарғибот ишлари олиб борилади.

Иккинчидан, парламентнинг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил йўналишларидаги фаолиятини янада кучайтириш, айниқса, қонунлар ижроси бўйича парламент ва жамоатчилик назорати ўрнатилиши барча механизмларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари билан ҳамкорлигини янада кучайтиришга эътибор қаратилади.

Учинчидан, депутатларнинг сайлов округларидаги ва партиянинг аҳоли ўртасидаги тарғибот-ташвиқот фаолияти кучайтирилади. Бунда, авваломбор, партия депутатлари фаолияти ва амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида сайловчиларни мунтазам хабардор қилиб бориш талаб этилади. Жойлардаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни, партия электорати вакилларининг кайфияти юзасидан тизимли мониторинг юритиш мақсадаги мувофиқ. Ушбу ўрганишлар орқали мавжуд муаммоларни тезкорлик билан ечиб боришга алоҳида эътибор қаратилади.

Тўртинчидан, ижтимоий ва иқтисодий соҳадаги муаммоларни ҳал қилиш бўйича "маҳаллабай" ва "фуқаробай" шаклида олиб борилаётган ишларни ташкил этишда партия ташкилотлари ҳамда депутатларнинг ишти-

рокини самарали таъминлаш талаб этилади.

Ҳудудларда депутатлар партия электорати бўлган эҳтиёжманд, камбағал оилалардаги ҳақиқий муҳитни ўрганиши, бундай оилалар вакилларининг бандлигини таъминлашга тўсиқ бўлаётган ҳар бир масалани чуқур ва атрофлича таҳлил қилиши, мавжуд муаммоларни ҳал қилиши учун барча куч ва имкониятлар сафарбар этилади.

Энг асосийси, ҳар қандай масала юзасидан "режа, ижро, таҳлил ва ечим" бўйича узвийликда иш олиб борилади. Шундагина, соҳага жавобгар мутасаддилар олдиға аниқ масала кўйиб, натижасини дадиллик билан талаб қилиш мумкин.

Бешинчидан, доимий электоратнинг асосий ижтимоий гуруҳлари тизимли ва тўла қамраб олинисини таъминлаш, партиянинг сиёсий позицияси ва дастурий мақсадларини тушунтириш орқали ижтимоий-сиёсий тадбирлар аудиторияси янада кенгайтирилади. Шу боисдан жойларда ўтказилаётган тадбирларнинг мақсадли ва самарали бўлишига, жумладан, тадбир якуни билан аниқ мақсадга эришиш, яъни, партия хайрихоҳлари ҳамда аъзолари сонининг кўпайиши масаласига эътибор қаратиш лозим.

Олтинчидан, партиянинг асосий бўғини ҳисобланган бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш борасидаги фаолият кучайтирилади. Бунинг учун, биринчи навбатда, бошланғич ташкилотлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, қонун ва бошқа норматив ҳужжатларга тақлифларни қўйидан, айнан бошланғич ташкилотлардан олиш тизими йўлга қўйилади.

Яна бир масала бу партия аъзолари, хайрихоҳлари ва тарафдорлари билан ишлаш ҳисобланади. Демак, партиянинг минтақавий ва туман-шаҳар кенгашлари тегишли вазифаларни белгилаб, мазкур йўналишдаги фаолиятини таҳлил қилиб олиши зарур.

Давлат дастурига тақлифлар қўйидан шаклланади

Пленум ишида, шунингдек, 2025 йилга мўлжалланган Давлат дастури лойиҳасига тўхталиб ўтилди. Кенг жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинган лойиҳада белгиланган ташаббуслар юрtdошларимизнинг кўнгилдаги фикрларни ифодалаётгани қайд этилди.

Дарҳақиқат, давлат ва жамиятни янада ривожлантириш бўйича бош ҳужжат, энг аввало, инсон учун, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси учун йўналтирилган. Мулоҳаза қилинса, атроф-муҳитни асраш, "яшил" иқтисодиётни ривожлантириш биринчи навбатда инсонни асраш ва унга қулай шароит яратишни аналтади.

Алоҳида таъкидлаш керакки, 275 та чора-тадбирдан иборат бўлган Давлат дастури лойиҳасидаги вазифалар аҳолининг турмуш тарзини янада яхшилаш, ижтимоий масалаларни самарали ҳал этиш билан чамбарчас боғлиқ. Шу нуқтага назардан Давлат дастури лойиҳаси Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадлари билан ҳар томонлама ҳамохангидир.

Хусусан, республикамизнинг ҳар бир туманида (шаҳрида) босқичма-босқич инклюзив таълим талабларига жавоб берадиган кампада биттадан умумтаълим мактаби фаолияти ташкил этилиши қайд этиляпти. Бу жамиятимизни босқичма-босқич инклюзивлаштиришда стратегик аҳамиятга эга масала ҳисобланади.

Партия болалар қандай оила ва шароитда вояга етаётганидан қатъи назар, таълимда тенг имкониятларга эга бўлиши муҳим, деб ҳисоблайди. Ҳужжат лойиҳасида жорий йилнинг ўзида 3,5 минг камбағал оилалар фарзандларини тайёрлаб, олий таълим ташкилотларига белгиланган тартибда грант асосида қабул қилиниши вазифаси қўйилгани қанчадан-қанча ёшлар ва оилаларнинг келажакка ишончини оширади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда трансёғлардан фойдаланишнинг чекланган миқдорларини белгилаш бўйича санитария қоидалари ва меъёрлари Жаҳон савдо ташкилоти талабларига мувофиқлаштирилиши назарда тутилгани ҳам партия дастурий вазифалари билан мос келади. Демак, бу ишларнинг амалга оширилишида партия ҳамда унинг депутатлик корпуси нафақат иштирокчиси, балки ташаббускор ва фаол бўлиши зарур. Зеро, дастурдаги асосий масалалар бевосита партия ғоя ва мақсадларининг ижроси билан боғлиқдир.

Пленумда кун тартибидagi масалалар юзасидан ҳудудий партия ташкилотлари раҳбарлари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Амалга оширилган ишлар ҳамда келгуси вазифалар билан боғлиқ пленум қарорлари қабул қилинди.

СЎЗ — ПЛЕНУМ ИШТИРОКЧИЛАРИГА!

Вазифалар кўлами кенг



Халилла ЕШИМБЕТОВ,
Ўзбекистон ХДП
Қорақалпоғистон
Республика кенгаши
раиси:

— 2024 йил Ўзбекистон Халқ демократик партияси учун муҳим тарихий давр бўлди. Партияимиз халқчил ғоялари билан мамлакатимизда адолатли жамият қуриш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлидаги кенг кўламли ишларни амалга оширдик. Шунингдек, юртимиз тарихида биринчи марта аралаш сайлов тизимида ўтказилган

сайловларда фаол иштирок

этидик. 2025 йил "Атроф-муҳитни асраш ва "яшил" иқтисодиёт" йили, деб номланиши, Давлат дастурида ижтимоий ва экологик барқарорликка эришишга доир қатор вазифалар ўрин олгани қорақалпоғистонликларни қувонтирди. Жумладан, Орол денгизи тубида 100 минг гектар янги яшил майдон яратилиши, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудларида шўр ва сувсизликка чидамли ўсимлик боғлари ташкил этилиши, "Бир миллион яшил оила" умумийлик ҳаракати йўлга қўйилиши экологик муаммоларни ҳал қилишга, аҳоли соғлиғи ва турмуш сифатини оширишга хизмат қилади. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва туман-шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳи аъзолари, фаоллар билан биргаликда Давлат дастури лойиҳасига тақлифлар берилди, кейинчалик уни амалга оширишда ҳам албатта фаол иштирок этамиз.

Давлат дастури лойиҳаси партияимизнинг дастурий мақсадлари билан ҳар томонлама ҳамохангидир ва уни амалга

ошириш учун партия кенгашлари ва депутатлари энг фаол иштирокчи ва тарғиботчи бўлиши, партияимизнинг барча тузилмалари имкониятларини тўлиқ сафарбар этишимиз зарур. Партияимиз тажрибаси ва кадрларимиз салохиятини тўла ишга солиш орқалигина қўтилган натижаларга эришишимиз мумкин.

Яна бир жиҳати, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз керак. Йиллар давомида асосий бўғинимиз ва партия аъзоларимизни бирлаштирувчи тизимни кучайтиришга етарли эътибор қаратмаганимизни ҳам афсус билан тан оламиз. Шу боисдан, бошланғич ташкилотлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, қонун ва бошқа норматив ҳужжатларга тақлифларни қўйидан, айнан бошланғич ташкилотлардан олиш тизимини йўлга қўйиш ташаббусини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Бунинг учун БПТлар билан алоқаларни тиклаш, партия аъзолари сонини кўпайтириш, янги БПТлар очиш ҳамда уларга услубий, амалий ёрдам кўрсатиш бўйича ишларимизни кучайтирамиз.

Халқ ишончини қозонишда фаоллик ва ташаббускорлик муҳим



Бахтиёр ТОШЕВ,
Ўзбекистон ХДП Навоий
вилоят кенгаши раиси:

— Бугун халқимиз турмуш даражаси яхшиланган эканини эркинлик, давлат бошқарувида очиқлик, ислохотлардаги орта қайтмаслик принципи қатъий экани билан бевосита боғлиқдир. Юртимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий қиёфаси ўзгариб, ҳаётимизда янгича муносабатлар ва имкониятлар шаклланаётганига нафақат гувоҳ, балки иштирокчи ҳам бўлялмиз. Аслида ҳам, ҳар

бир ислохотда партияимиз ва унинг депутатлик корпуси фаол иштирокчи сифатида ўз ўрни ва сўзига эга бўлиши керак.

Бўлиб ўтган пленумда ўтган йил давомида амалга оширилган фаолият таҳлил қилиниб, Давлат дастурининг партияимиз электорати манфаатлари нуқтаи назардан аҳамияти ва шундан келиб чиқиб, жорий йилдаги вазифалар белгиланди. Галдаги вазифа, ҳеч шубҳасиз, белгиланган чора-тадбирларнинг бекаму кўст бажарилишида фаол иштирок этишдан иборатдир.

Албатта, бу борада биринчи навбатда, жойларда партия гуруҳлари томонида Ҳаракатлар дастурининг ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишларнинг салмоғини баҳолашда эътиборни сон жиҳатдан сифат жиҳатига ўзгартиришимиз лозим.

Фаолиятимиз давомида олинган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугун халқимиз фаровонлиги йўлида чиқарилаётган ҳужжатлардан аҳоли тўлақонли ҳа-

бардор эмас ёки унинг мазмун-моҳиятини тўлиқ англаб етмапти. Бунга жойларда халқ билан ўтказилаётган учрашув ва сайёр қабулларда гувоҳ бўлмоқдамиз.

Шундай экан, партия ташкилотлари ва депутатларимиз зиммасида улкан масъулият турибди. Бундан партия масъуллари, кенгашлардаги тарғиботчилар гуруҳлари ва депутатлик корпуси вакиллари аҳоли орасига чуқурок кириб бориши ва қабул қилинаётган меърий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиши лозим.

Яна бир муҳим масала партияимизнинг дастурий ғоя ва ташаббуслари билан одамларни яқиндан таништириш орқали аъзоларимиз сафдини янада кенгайтиришдан иборат. Демак, олиб бораётган фаолиятимизни танқидий таҳлил қилиб, белгиланган режа ва вазифалар ижросини таъминлашда, электорат манфаатларига қаратилган ташаббуслар тарғиботида фаол бўлиш устувор масала саналади.

Аниқ, пухта ва уюшқоқлик билан ташкил этилган фаолият самаралидир



Нуриддин ХОЛМАТОВ,
Ўзбекистон ХДП Жиззах
вилоят кенгаши раиси:

— Пленумда партияимиз раҳбари томонидан 2024 йилдаги фаолиятимизни рақамлар мисолида таҳлил қилиб, эришилган натижалар ҳақида маълумотлар берилди. Танқидий фикрлар ишимизга тўғри баҳо бериш, янги режалар тузиш ва келгуси фаолиятимизда қандай имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш мумкинлиги ҳақидаги ҳулосалар учун муҳим. Асосийси, камчиликларни бартараф этиб, ишимизни янада кучайтириш билан

боғлиқ масалаларнинг белгилангани, деб ўйлайман. Чунки барча йўналишларнинг дастлабки босқичи пухта режа ва аниқ мақсадларни белгилаб олиш ҳисобланади.

Шу боисдан, пленумда таъкидланган, жорий йилда эътибор қаратишимиз лозим бўлган вазифалар ҳамда уларнинг самарали ижросини таъминлашнинг энг муҳим воситаси мафкуравий фаолиятни кучайтириш, деб ўйлаймиз.

Аввало, тизимли ва самарали тадбирларни амалга ошириш, хусусан, жойларда аҳоли билан очиқ мулоқотлар ўтказиш, улар кўтарган муаммоларни таҳлил қилиш ва ечим бўйича амалий чоралар кўриш жуда аҳамиятлидир. Қолаверса, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқлар имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали партия ғоялари ва дастурларини кенг тарғиб қилиш мумкин.

Айни пайтда, сиёсий ахборот фақат Ўзбекистон ХДПнинг позицияси билан чегараланмаслиги, бизнинг позициямиз бошқа пар-

тияларнинг позициясидан нимаси билан фарқ қилишини аниқ-равшан ёритишга аҳамият беришимиз зарур. Ана шунда партия имижига ошши, аҳоли ишончини қозонишимиз ҳамда қўтилган натижаларга эришишимиз мумкин.

Яна бир муҳим жиҳати, партияимизнинг 2025 йил учун ҳамда ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган вазифаларини ҳаётга таъбиқ этишда биздан янги-ча ёндашув, жипслик ва масъулият талаб этилади. Бу масъулиятли жараёни партия ташкилотлари ва депутатлик корпуслари ҳамжихатликда, аниқ, пухта ва уюшқоқлик билан ташкил этишимиз зарур. Демак, ўрганишдан қочмаслик, тажрибани қизғонмаслик, камчиликларни тўғри тарзда тушунтириш ва уларни бартараф этишда асосли тақлиф бера олишимиз зарур. Бу йўлда жиъзахликлар ҳаммаша камарбаста бўлишга тайёр.

**Зилола
УБАЙДУЛЛАЕВА,
"Ўзбекистон овози"
муҳбири.**

ЭНДИ ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИНИ ТАСДИҚДАН ЎТКАЗИШ ОСОН БЎЛМАЙДИ

ГАП ШУНДАКИ, КЕЧА БЎЛИБ ЎТГАН ҚУЙИ ПАЛАТА МАЖЛИСИ ҲАМДА УНДАН ОЛДИНГИ ПАРТИЯ ФРАКЦИЯЛАРИ ЙИГИЛИШЛАРИ БАҲС-МУНОЗАРАЛАР БИЛАН КЕЧДИ. ДЕПУТАТЛАР ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИДАГИ ҲАР БИР КИЧИК ДЕТАЛНИ ҲАМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛДИРМАЙ, ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАРГА ИЗОҲ ҲАМДА ТУШУНТИРИШЛАР СЎРАМОҚДА.

БУНДАН АНГЛАШИЛАДИКИ, ҚУЙИ ПАЛАТА, ПРЕЗИДЕНТ ТАЪБИРИ БИЛАН АЙТГАНДА, ҲОЯЛАР ГЕНЕРАТОРИ, СОҒЛОМ РАҚОБАТ, БАҲС ВА МУНОЗАРАЛАР МАЙДОНИ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРИШ ЙЎЛИДАН БОРМОҚДА.

ҚОНУНЛАРНИНГ МУҲИМЛИГИНИ КИМ БЕЛГИЛАЙДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида депутатлар қонун ташаббускорларига шу мазмундаги савол билан мурожаат қилди. Гап шундаки, қонун лойиҳаларини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиш ва кўриб чиқиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритишга доир қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда модда-модда кўриб чиқилди. Унга кўра, жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилмайдиган қонун лойиҳаларини мустақилолчи норма акс эттирилган. Шунингдек, энг муҳим иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга қонун лойиҳасини ишлаб чиқишдан олдин унинг тайёрланиши ҳақидаги ахборот жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши билан боғлиқ тамойил ҳам янги меъёр сифатида тақдир этилмоқда.

Депутатлар энг муҳим ёки жамоатчилик муҳокамасига қўйилмайдиган қонун лойиҳалари қайси мезонлар асосида аниқланиши ҳақида сўради.

Қонун ташаббускорлари Президентнинг тегишли қарорига мувофиқ низоми ишлаб чиқилгани ва унда жамоатчилик муҳокамаларидан ўтказилмайдиган қонун лойиҳаларининг рўйхати тасдиқланганини қайд этди. Низомга кўра, биринчи навбатда Ўзбекистон Республикасида фавқулодда вазиятларни жорий қилиш ёки карантин талабларини белгилаш билан боғлиқ бўлган, шунингдек, халқаро шартномага қўшилиш масаласига оид қонун лойиҳалари жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилмайди.

Шунингдек, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Фирдавс Шарипов Президентнинг тегишли қарорига кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилаётганда, унинг лойиҳасини тайёрлашда фуқаролик жамияти институтлари, илмий ҳамжамият билан маслаҳатлашувларни кенгайтириш масаласи қўйилганини таъкидлади. Лекин қонун лойиҳасида бу меъёр акс этмаганига эътибор қаратди ва бу борадаги меъёрни лойиҳага киритиш керак, деган таклифни илгари сурди.

Лойиҳа модда-модда кўриб чиқилган, иккинчи ўқишда маъқулланди.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ТАШАББУСИ БИЛАН

Хабарингиз бор, Ўзбекистон ХДП Сайловолди дастурида ҳар бир йўналиш бўйича аниқ вазифалар ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ муҳим қадамлар белгиланган. Масалан, дастурдаги 12-қadamда партия эҳтиёжманд аҳоли қатламининг кундалик зарур товар ва хизматлардан фойдаланишини таъминлаш учун курашади, деб қайд этилган. Шу билан бирга, партиямиз банклар таклиф этаётган кредит механизмлари ҳам ижтимоий адолат принципига мувофиқ бўлиши керак, деган ташаббусни илгари сурган.

Хусусан, ипотека кредити тўлови бўйича қарздорлик юзага келгани сабабли гаровга қўйилган кўчмас мулкни аукционда сотишдан олдин кредит олган шахсга уч ой муддат бериш таклиф этилган. Бу орқали кўчмас мулк эгасига уни уч томонлама олди-сотди шартномаси асосида ўзига қулай нархда сотиш имконини бериш ва мураккаб вазиятга тушиб қолган кредитор аҳолини яхшилаш мақсади кўзда тутилган. Мазкур ташаббус шу кунларда қуйи палатада муҳокама қилинаётган навбатдаги қонун лойиҳасида ўз ифодасини топган.

Маълумки, кредит ташкилотларининг муаммоли кредитларини сўндиришда ундирувчи гаровдаги мол-мулкка қаратиш, уни реализация қилиш ва шу билан боғлиқ муносабатлар бир қатор қонун ҳамада қонуности ҳужжатлар билан тартибга солинади. Амалиётда қарздор томонидан кредит (ипотека) шартномаси бўйича мажбуриятлар ўз вақтида ва (ёки) лозим даражада бажарилмаганда кредитнинг гаров билан таъминланган талабларини қондириш кўзда тутилган. Бунинг учун суд тартибида ва суддан ташқари тартибда ундирувчи гаров нарчасига



қаратилади. Гаровга олувчининг гаров нарчасига бўлган ҳуқуқлари устуворлигини таъминлашда бир қатор муаммолар ва қонун ҳужжатлари ўртасида ўзаро номувофиқликлар мавжуд.

Шунингдек, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасига ўтган йилда олди-сотди шартномасига мувофиқ, сотувчи шартлашилган муддатда буюртма берилган маҳсулотларини етказиб бериш мажбуриятларини бажармагани ёки чала бажаргани билан боғлиқ мурожаатлар сони ортган. Бу ҳам қонунчиликка қўшимча ва ўзгаришлар киритишга асос бўлувчи омиллардан бири саналади.

Табиики, бу бўшлиқлар турли муаммоларни юзага келтирмоқда. Натижада ишончсизлик, норозилик кайфияти пайдо бўляпти. Таклиф этилаётган лойиҳа билан эса тегишли қонунларда кредиторларнинг гаровдаги мулкка нисбатан ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш назарда тутилмоқда. Шунингдек, кредиторлар талабларини суддан ташқари тартибда қондириш тизимини ривожлантириш, мажбуриятларни гаровдаги мол-мулк ҳисобидан ундириш жараёнларини соддалаштириш ва яна қатор ўзгаришлар киритиш лойиҳанинг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Қонун лойиҳаси билан гаровдаги мулкни бозор қийматида савдога чиқариш меъёри курсатиб ўтилмоқда. Қайтмаган қарздорлик суммаси гаров қийматининг 15 фоизидан кам бўлганда, ундирувчи мулкка қаратмаслик ҳам таклиф этилмоқда.

Шу билан бирга, мазкур лойиҳа билан ундирувчи гаровдаги мулкка қаратиш ва

ишлаб чиқарувчи бошқа-ю унинг сотувчиси бошқа эканини таъкидлади. Депутатга кўра, ишлаб чиқарувчи берган товарни электрон тизим орқали сотади ва бу жараёнда муддати кеч қолса, ишлаб чиқарувчига юклама бўлиши мумкин. Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси фақатгина истеъмолчиларнинг шартнома асосида муносабатларини тартибга солишни назарда тутди. Ваҳоланки, ношартномавий ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин. Депутат айти шундай вазиятларга ким жавобгар бўлиши кўрсатилмагани, умуман, оғзаки асосга эга бўлган ҳолатларни тартибга солиш зарурлигини таъкидлади.

Ташаббускорлар электрон тижорат масалаларида қонунчилик талаблари белгиланганини таъкидлади. Унга кўра, онлайн савдо платформаларида оммавий оферталар жойлаштирилиши ва бу оммавий шартнома сифатида қабул қилинади. Агар ишлаб чиқарувчининг айби билан кечиктирилган тақдирда ҳам сотувчига нисбатан чора кўрилади. Негаки, сотувчи тадбиркорлик субъекти сифатида бутун рискни ўз бўйига олиб, истеъмолчи билан шартнома қилади. Келгусида пеня ёки жарима ҳисобланса, ишлаб чиқарувчи билан қонунчиликка мувофиқ ўзаро муносабатларини тартибга солиши мумкин.

Муҳокамалар ва савол-жавоблардан сўнг ушбу қонун лойиҳасининг концепцияси маъқулланди.

ифодасини топган.

Депутатлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилди. Хусусан, Зухра Шодиева битта китобни ўқиб чиқиш жазо муддатини қанчага қисқартириши мумкинлиги ҳақида сўради.

Масъулларга кўра, жазони ўташ муоасаларида маҳкумлар фақатгина китоб ўқиш билан банд бўлмайди. Уларнинг кун тартиби бўлиб, шундан икки соати маънавий-маърифий машғулотлар билан шуғулланишга ажратилади. Демак, маҳкум шу икки соат ичида китоб ўқийди ва бу жараёнда ҳар кимнинг қобилияти ҳар хил бўлиб, ягона тартиб белгиланмаган. Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида хорижий тажриба ўрганилган. Ана шундан келиб чиқиб, таклиф этилаётган концепцияга кўра, битта китобни ўқиб, ўзлаштириш жазони ижро этиш муддатини 3 кунгача камайтиришга асос бўлади.

Фракция аъзолари жазони ўташ муоасаларидаги китоблар фонди, адабиётлар қайси тилларда экани, уларнинг мазмунига тегишли масалаларда ҳам изох сўради. Маҳкумларнинг ўзини ўзи тарбиялашни рағбатлантириш мақсадида ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси концепцияси маъқулланди.

МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИСИ ФУҚАРОГА МУРОЖААТ ЭТГАНДА ЎЗИНИ ТАНИШТИРАДИ

Қуйи палата мажлисида Миллий гвардия фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида қонунчиликка ўзгариш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Қайд этилишича, лойиҳа билан мамлакат муҳофаази ва хавфсизлиги, жамоат хавфсизлиги ва тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва кўриқлаш фаолияти соҳасида давлат сиёсатининг асосларини белгилувчи қонунчиликни такомиллаштириш назарда тутилмоқда. Шунингдек, Миллий гвардия органларининг асосий вазифалари комплекс тизимлаштирилмоқда.

Лойиҳага кўра, Миллий гвардия ҳарбий хизматчиси (ходими) фуқарога мурожаат этганида ўзини таништириш тартиби таклиф этилмоқда. Бундан ташқари, жамоат тартибини сақлаш ва оммавий тартибсизликларни бартараф этиш чоғида фойдаланиш учун Миллий гвардия ходимларини замонавий махсус воситалар билан таъминлаш юзасидан ҳуқуқий асосларни шакллантириш кўзда тутилмоқда.

Депутатлар бир қатор масалаларда аниқлаштирувчи саволлар билан мурожаат қилди. Хусусан, Миллий гвардиянинг ваколатлари қайси ҳудудлардан бошланиб, қаерда тугашининг чегараси, тизим хизматчисига бериладиган махсус воситаларнинг инсон саломатлиги ҳамда ҳаётига қай даражада таъсир қилишига оид масалаларда изох сўралди.

Хусусан, депутат Ирина Токарева Миллий гвардия ходимларига берилаётган назарда тутилган телеконтрак таёқча ҳақида савол берди. Депутат замонавий кўринишга келтирилган воситанинг техник хусусиятлари билан қизиқди.

Ҳар бир саволга ташаббускорлар томонидан атофлича жавоб қайтарилди. Фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар асосида қонун лойиҳаси биринчи ўқишда маъқулланди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.



ЎЗБЕКИСТОН ХДП САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДА ҲАР БИР ЙЎНАЛИШ БЎЙИЧА АНИҚ ВАЗИФАЛАР ВА УЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУҲИМ ҚАДАМЛАР БЕЛГИЛАНГАН. МАСАЛАН, ДАСТУРДАГИ 12-ҚАДАМДА ПАРТИЯ ЭҲТИЁЖМАНД АҲОЛИ ҚАТЛАМИНИНГ КУНДАЛИК ЗАРУР ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН КУРАШАДИ, ДЕБ ҚАЙД ЭТИЛГАН.

ундирув қаратилган мол-мулкни реализация қилиш тизимини такомиллаштириш масалалари қамраб олинган.

Депутатлар қонун лойиҳасини муҳокама қилар экан, сайловчилар манфаатларидан келиб чиқиб, асосли саволларни ўртага ташладилар. Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилишида ҳам депутатлар ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини билдирган эди.

Масалан, Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Шарофиддин Назаров лойиҳадаги айрим моддаларга эътибор қаратди. Таъкидландики, гаровга қўйилган мол-мулкнинг кимошди савдосидаги бошланғич сотув нархи гаровга қўювчи ва гаровга олувчи ўртасидаги келишув асосида амалга оширилади. Улар ўртасида келишмовчилик бўлган тақдирда мустакил баҳоловчи ташкилотни жалб қилган ҳолда сотув нархи бозор қийматидан келиб чиқиб белгиланиши кўрсатиб ўтилган.

Депутатга кўра, амалдаги тартибда келишмовчилик бўлган тақдирда мол-мулкни банк томонидан жалб қилинган баҳоловчи ташкилот баҳолаган ва нархни пасайтириб юборган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш учун эса бозор қийматидан келиб чиқиб баҳолаш меъёри қонуний мустаҳкамланиши таклиф этилмоқда. Ушбу меъёр келгусида тадбиркорлар ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялашга хизмат қилади.

Фракция аъзоси Анвархон Темиров эса электрон савдо ривожланиб кетга-

ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА

Маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, жиноят-ижроия қонунчилигини халқаро ҳуқуқнинг жазони ижро этишга ҳамда маҳкумлар билан муоамалада бўлишга тааллуқли принциплари ва нормалари билан уйғунлаштириш. Бу сўнгги йилларда инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича мамлакатимизда татбиқ этилаётган асосий тамойиллардан саналади. Муҳими, бу орқали миллий қонунчилигимизга илғор хорижий тажрибани сингдириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, маҳкумларнинг қонунга итоаткор ҳулқ-атворини, инсонга, жамиятга, меҳнатга, турмуш қоидалари ва аънанагарига ҳурмат муносабатини рағбатлантиришга қаратилган меъёрлар киритиш зарурати мавжуд.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида ҳамда ХДП фракцияси йиғилишида кўриб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига маҳкумларни ахлоқан тузатиш ишлари самарадорлигини оширишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ушбу масалаларни ўз ичига қамраб олган. Унда жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки енгилроғи билан алмаштириш масаласини хал қилиш вақтида ҳисобга олинишини назарда тутувчи ўзгариш ва қўшимчалар ўз

СИЁСИЙ ПУЛЬС. МУНОСАБАТ

Камбағалнинг бир тўйгани – бой бўлгани, дейди халқимиз. Бироз киноя, бироз тантлиқ мужассам бу мақол замирида кўп ҳақиқатларни кўраимиз. Минимал яшаш шароитига эга бўлмаган ҳар қандай одамнинг энг асосий ташвиши кунни амаллаб ўтказиш, яъни, қорин тўйгазиш, рўзгорнинг бирламчи кам-кўстини бутлаш, боласи ёки оиласидаги бошқа кимдир бетобланса, унга дори-дармон топиш билан боғлиқ бўлиб қолади. Унда ижтимоий-сиёсий фаоллик ёхуд мамлакат тақдирига камарбасталик тўйғуси тугул ҳаётдан розилик ҳисси ҳам бўлиши дарғумон. Бундай кайфиятдаги инсонларнинг кўпчилиги давлат ва жамият учун оғриқлидир. Аксинча, уларнинг сони қисқариб бориши ижтимоий адолат, ижтимоий тенглик ва ижтимоий барқарорлик тамойилларининг кенг қамровли ислохотларда амалий тасдиғини топаётганини кўрсатади.



ЯНГИ ЁНДАШУВЛАР ДАВРИ

Камбағаллик – бу инсон ҳуқуқлари бузилиши, деб баҳолайдилар социологлар. Дарҳақиқат, кафолатланган иш жойи йўқлиги, турмуш даражаси пастлиги (уй-жой, санитария, коммунал шароитнинг ночорлиги), соғлом овқатланиш, сифатли таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш борасида имкониятларнинг чегаралангани ҳар бир инсоннинг фаровон ҳамда бахтли яшашдек олий ҳуқуқига дахл қилади. Афсуски, бугун дунё бўйлаб бундай ҳуқуқдан маҳрум инсонлар сони 1,1 миллиардни ташкил этмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилати 17 октябрь – Халқаро қашшоқликка барҳам бериш кунига бағишлаб эълон қилган ҳисоботида камбағалларнинг ярмидан кўпи 18 ёшгача бўлган болалар экани, 900 миллионга яқин кишининг тегишли уй-жойи ҳам йўқлиги айтилади. Шу билан бир қаторда 2024 йил ҳолатига 76 та давлат қашшоқлиқни камайтиришга муваффақ бўлаётгани келтирилади. Демак, оғир геосиёсий вазиятга қарамай ва глобал иқтисодий, экологик инқирозлар ортиб бораётган ҳозирги замонда ижтимоий сиёсатни кучайтираётган ҳамда фуқаролари учун ҳар тарафлама муносиб ҳаётни таъминлашга интилаётган давлатлар сафи кенгаймоқда. Қувонарлиси, Жаҳон банкининг эътирофига, Ўзбекистон камбағалликни қисқартириш йўлида энг юқори натижага эришаётган мамлакатлар сирасига киради.

МУҲИМ ҚАДАМ

Сўнгги беш йилда юртимизда барча жабҳада юз бераётган ўзгаришларни, салмоқли кўрсаткичларни эътибордан соқит қилмаган ҳолда айнан камбағалликни қисқартириш саъй-ҳаракатларини ижтимоий-иқтисодий ислохотларда энг муҳим қадам бўлди, десак янглишмаймиз. Бинобарин, жамиятимизда камбағалликнинг мавжудлиги тан олинган ўша 2020 йилда 7,5 миллион киши ёки 23 фоиз аҳолининг даромади қашшоқлик чегарасига ҳам етмас эди.

Сўзсиз, бу соҳадаги муаммоларни ҳал этишга қаратилган трансформация дастурлари самарасида атиги тўрт йилда Ўзбекистонда камбағаллик даражаси 17 фоиздан 11 фоизга камайди. Бу 2 миллионга яқин одам камбағалликдан қутулди, дегани. 2025 йилда яна 1,5 миллион нафар аҳоли камбағалликдан чиқариш, 5 млн 200 минг кишини ишли қилиш мўлжалланмоқда. Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг ҳамда барча даражадаги давлат органи ва ташкилотларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланди. Президентимизнинг ўтган йили 23 сентябрдаги Фармони билан қабул қилинган "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури бу борадаги ишларни юқори поғонага олиб чиқаётгани рост.

2024 йил 1 ноябрдан "Камбағал оилалар учун етти имконият ва масъулият" тамойили асосида амалга оширилаётган мазкур дастурда тадбиркорликни ва томорқа деҳқончилигини ривожлантиришдан тортиб камбағал оилалар фарзандларининг замонавий билимларни эгаллаши ва касб-хунар ўрганиши учун имкониятлар яратиш, ижтимоий хизматлардан фойдаланиш, маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш ва давлат органлари билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш тизимини тақомиллаштиришгача бўлган устувор мақсадлар қамраб олинган.

Айни дамда ҳудудларда дастур доирасидаги амалий ишлар қизғин суръатга кирган. Шу йил 17 январь кунини давлат раҳбарининг аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги ёндашувлар асосида камбағалликни қисқартиришга оид чора-тадбирлар тақдимоти билан танишуви чоғида бу ҳақида тўхталиб ўтилди.

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЙИЛ

Тақдимотда Президент жорий 2025 йил мамлакатимизда ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришда ҳал қилувчи йил бўлишига урғу берди. Қўзда тутилаётган ҳар бир чора-тадбир тартибли ва манзилли бажарилади. Жумладан, илғор хорижий тажрибалар асосида 32 та йўналишда камбағалликни қисқартириш бўйича янги ёндашувлар йўлга қўйилади. Мисол учун, 300 та оғир маҳаллада умумий қуввати 107 мегаватт бўлган қуёш электр станциялари ишга туширилади. Уларга камбағал оилалар аъзолари кооперация асосида ишга олинади. 123 та туманда камбағал аҳоли

20 минг гектар ўрмон ва қўчатзор барпо этиш ҳамда доривор ўсимликлар етиштиришга жалб этилади. Камбағал оилалар учун даромад манбаини яратишда жойлардаги туризм салоҳиятидан фойдаланиш истиқболлари мавжуд. Аҳамиятлиси, ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришда чекка, олис манзиллардаги турмуш шароити оғир қишлоқларга алоҳида эътибор қаратилади.

Шундай қилиб, биринчи марта республи-

17 январь кунини Президентимиз ҳузурида ўтказилган тақдимотда жорий йилнинг ўзида 60 та туман ва шаҳар камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айланиши, бунинг учун аниқ мақсадли, натижадор чора-тадбирлар белгилангани кўнглимиздаги гап бўлди.

Келинг, бир мисол келтирай. Қизилқум кенгликларида тутаган Конимех тумани Навоий вилояти марказидан 250 км олисда жойлашган. Тупроқ ва иқлим шароитига



КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ИСЛОХОТЛАР РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ЭНГ ЧЕККА ҲУДУДЛАРИДА ҲАМ ЎЗ АКС-САДОСИНИ БЕРМОҚДА. БУ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ИЖТимоий ДАВЛАТ СИФАТИДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ УДДАЛАШ ЙЎЛИДАГИ СОБИТҚАДАМЛИГИНИ КЎРСАТАДИ.

камизда 60 та туман ва шаҳар камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантирилади.

Данагул БЕРДИАЛИЕВА, ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши депутати:



–Эслайлик, "камбағаллик", "эҳтиёжманд" каби сўзларни узоқ йиллар қўлладан тийиб келдик. Гўёки жамиятимизда камбағал одам, қўл учидан кун кўрайдиган оила йўқдек эди. Ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Қолаверса, касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади. Худди шундай, камбағаллик муаммоси чуқур илдиш отишда давом этди. Лекин 2020 йилда давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатда камбағал одамлар қатлами борлиги очиқ-ойдин гапирилиши ва бу муаммони бартараф этиш учун катта масъулиятнинг зиммага олиниши жамиятимиз ҳаётида бутунлай янги даврни бошлаб берди. Мана, бешинчи йилдирки, камбағалликни қисқартириш барча бўғиндаги раҳбарларнинг, давлат хизматчиларининг ва, табиийки, биз, халқ вакилларининг ҳам фаолиятимизда ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

кўра, маҳаллий аҳоли асосан чорвачилик билан шуғулланиб келган. Очиғини айтмай, саноатни олиб кириш, янги ишлаб чиқариш, замонавий хизмат кўрсатиш тармоқларини ташкил этиш, иш ўринларини очиш масаласида туманда муаммолар оз эмас эди. Ўз-ўзидан ишсизлик, унинг ортидан соядек эргашувчи камбағаллик билан тўқнаш келган кишилар саноғи ҳам ошиб борди. Бироқ бугун мана шу олис туманга келсангиз, янги ўзгаришларнинг гувоҳи бўласиз. Бу ўзгаришлар, авваломбор, аҳоли турмуш шароитида яққол намоён бўлмоқда.

Ҳозирда тумандаги 15 та маҳаллада жами 577 та камбағал оила бор. Жорий йилда бу оилаларнинг 108 тасини камбағалликдан чиқариш белгиланган. "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастурига мувофиқ ҳар бир маҳаллада истиқомат қилаётган эҳтиёжманд оилалар ва уларнинг аъзолари тўлиқ хатловдан ўтказилиб, "Камбағал оилалар портретлари" ишлаб чиқилди.

"Инсон" ижтимоий хизматлар маркази ходимлари томонидан камбағал оилалар билан ўтказилган сўровномада 168 нафар киши ишга жойлашиш, 111 нафари кафолатланган тиббий хизматдан фойдаланиш, 89 нафари таълим олиш ва касб-хунар ўрганиш, 44 нафари ижтимоий хизматлардан фойдаланиш, 179 нафари яшаш шароитларини яхшилаш ва 67 нафари бошқа масалаларда ёрдамга муҳтожлиги аниқланди. Айтиш жоизки, қисқа вақт ичида "маҳалла етилиги" ва камбағал оилаларга бириктирилган масъуллар ҳамкорлигида юқорида санаб ўтилган эҳтиёжманд кишиларнинг муаммолари ҳал қилиниб, туман бўйича камбағалликни қисқартиришда дадил силжишлар кузатилмоқда.

Нима демокчиман... Камбағалликни қисқартиришга қаратилган ислохотлар республикамизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам ўз акс-садосини бермоқда. Бу мамлакатимизнинг ижтимоий давлат сифатида конституциявий мажбуриятларини уддалаш йўлидаги собитқадамлигини кўрсатади.

Ҳали олдинда ишлар кўп. Кучли ижтимоий сиёсатнинг ташкилий-ҳуқуқий базасини тақомиллаштиришда, жойларда ижро этувчи органлар фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини қарор топтиришда Халқ демократик партияси вакиллари фаол ва илғорлар қаторида бўлади.

Раҳимберган ЮСУПОВ, ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши ХДП депутатлик гурухи раҳбари:



– Маълумки, камбағал қатламнинг катта қисми қишлоқ жойларда яшайди. Камбағалликни бартараф этиш эса аҳолининг бандлик даражасини муттасил ошириб боришни тақозо қилади. Шунга кўра, ҳудудларда, айниқса, қишлоқ туманларда одамлар учун муносиб ва яхши даромадли иш ўринларини кўпайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб турибди.

Хоразм вилоятида жорий йилда ишсизликни 3,5 фоизга, камбағалликни эса 5,9 фоизга камайтириш режа қилинган. Бунинг учун 25 мингдан ортиқ аҳолига микрокредитлар, 5 минг кишига тадбиркорликни бошлаши учун субсидия ва ссудалар ажратиш, 7 минг нафар ишсиз фуқарога деҳқончилик қилиши учун қишлоқ эҳтиёжлиги ер майдонларини ижарага бериш, ҳар бир маҳаллада ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ўртача 30-40 тадан микроойиҳаларни амалга ошириш, шу орқали 42 мингдан ортиқ кишини ишли қилиш, 5 минг аҳолини касб-хунар ва хорижий тилларга ўрганишга йўналтириш белгиланган.

Камбағалликка тушиб қолиш хавфи мавжуд қатламлар – ёшлар, аёллар, ногиронлиги бўлган шахсларнинг биринчи гадада тобора рақобат муҳитига кириб бораётган меҳнат бозорига ўз ўрнини топишига кўмаклашиш борасидаги ижтимоий дастурлар ижросига ҳам жиддий ёндашилмоқда.

Бундан ташқари, қишлоқ жойларда аҳолининг сифатли таълим ва тиббий хизмат имкониятларидан фойдаланиш қамровини ошириш, маҳаллаларнинг ижтимоий инфратузилмаларини давр талабларга мос ҳолга келтириш, одамларнинг бирламчи эҳтиёжлари бўлган сув, иссиқлик, электр энергияси таъминотларида мавжуд муаммо ҳамда камчиликларга барҳам бериш чоралари кўрилатиб келинмоқда. Камбағаллик даражаси юқори бўлган қишлоқларга вазирлик ва идораларни бириктириш орқали муҳтожларга кўмаклашиш тизими яратилгани, қишлоқ аҳолиси учун қулай даромад манбаи ҳисобланган томорқачиликни ривожлантиришга эътибор кучайтирилгани ҳам айни мuddаодир.

Бугунги кунда маҳалла банкirlари фаолияти йўлга қўйилиши жойларда камбағал аҳоли қатлами билан ишлаш натижадорлигини таъминлашда яна бир янги қадам бўлди, дейиш мумкин. Айнан маҳалла банкirlари кўмағида 2025 йилнинг ўзида мамлакатимиз бўйлаб 1,5 миллион аҳоли доимий ишга жойлаштирилиб, 2 миллиондан зиёд одам бизнесга жалб қилиниши кутилмоқда.

Ёдимда, давлатимиз раҳбари 2020 йилнинг 27 февраль кунини ўтказган видеоселектор йиғилишида "Президент сифатида мени одамларимизнинг овқатланиши, даволаниши, болаларини ўқитиши, кийинтириши каби ҳаётий эҳтиёжлари нима бўляпти, деган савол ҳар кунини қийнайди", деган эди.

Мана шу савол бугун ҳаммамизни ҳар кунини ўйлантироғи керак, назаримда. Зеро, аҳоли ўртасида бандликни ошириш ва камбағал оилалар билан ишлаш натижадорлигига эришиш биргина маҳалла етилиги ёки маҳалла банкири, маҳаллий ҳокимликларнинг вазифаси эмас. Бу борада депутатларимиз халқчил, ҳаётий қонунийлик ташаббуслари билан чиқиб, назорат-таҳлил ва жамоатчилик назорати тадбирларида яхши маънода жон куйдириши, халққа янада яқин бўлмоғи шарт. Ана шунда кўзда тутилаётган эзгу мақсадлар қоғозларда эмас, балки ҳаётда исботини топади.

Фарида МАҲҚАМОВА,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

Ўзбекистонда бугунги кунда 1 миллиондан зиёд ногиронлиги бўлган шахслар яшайди. Шулардан 170 минг нафардан ортиғини 18 ёш ва ундан кичик болалар ташкил этади. Аммо бугун боғча ва мактаб ёшидаги ногиронлиги бор болаларнинг 16,5 минги мактабга, 17,5 минги боғчага бормайди. 11 минг бола эса махсус мактаб-интернатларда ота-онасидан узоқда ўқийди.

Бу кичкина рақам эмас. Бундай болаларни қийин муаммолар гирдобда ёлғиз, чорасиз қолдириб бўлмайди. Чунки ногиронлик билан дунёга келгани ёки имконияти чеклангани учун бола айбдор, гуноҳкор эмас. Аслида, улар ҳам оламни ўрганишга, ўқишни, ёзишни билишга, тенгдошлари каби ўйнаб-қулишга ҳақли. Аввало бу уларнинг энг қимматли ҳуқуқи. Жуда эрта синовлар қуршовида қолган, мурғаккина қалбида не ўйлар кечаётган болаларни қўллаб-қувватлаш, шароит яратиш сиз билан бизнинг, давлат ва жамиятнинг бурчидир. Инклюзив таълим масаласи шунинг учун муҳим.

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ:

БОЛАЛАРГА ТЕНГ МУНОСАБАТ БЎЛИШИ КЕРАК!



Ҳозир мамлакатимизда инклюзив таълим билан боғлиқ реал вазият қандай? Ҳолатни турли нуқтаи назардан кўрсатишга ҳаракат қилдик.

Ўтган йилнинг 13 декабрь куни Президент раислигида бўлиб ўтган ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва 2025 йил учун устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилишда давлатимиз раҳбари бу масалага бежизга тўхталиб ўтмади. Ўзбекистонда ҳаракати чекланган болаларнинг мактабга келиб-кейтиш ҳаражатларининг 75 фоизи давлат томонидан қўллаб берилиши, ҳар бир тумандаги боғчаларда биттадан инклюзив таълим гуруҳи очилди, 954 мактабда инклюзив синфлар ташкил этиш бўйича ҳам топшириқ берилди.

Жисмоний, ижтимоий-иқтисодий ҳолати, келиб чиқишидан қатъи назар, ҳар бир инсон, айниқса, болалар ва ёшлар таълим-тарбия олишда тенг имкониятларга эга бўлиши муҳим. Бу масалада ҳуқуқлар тенг, имкониятлар тенглигига эришиш устувор мақсаддир.

Инклюзив таълим – алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг ўз соғлом тенгдошлари билан битта таълим муҳитида ўқишини аниқлади, – дейди Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги мутахассиси Абдурауф Абдуғаниев. – Юртимизда инклюзив таълимнинг жорий этилаётганига кўп вақт бўлгани йўқ. 2021–2022 ўқув йилидан бошлаб “Таълим барча учун” тамойили асосида республикамиз бўйича 31 та умумий ўрта таълим мактабига тажриба-синов тарихида жорий этилган бўлиб, мазкур ўқув йилида жами 122 нафар алоҳида таълим эҳтиёжи бўлган ўқувчилар инклюзив таълимга қамраб олинган эди. Йиллар давомида ушбу ўқувчиларимизда бўлаётган ижобий ўзгаришлар, шунингдек, ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари ўртада олиб борилган тарғибот ишлари натижасида ушбу кўрсаткич йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Хусусан, 2024–2025 ўқув йилида республикамиз бўйича 947 та умумий ўрта таълим мактабларида, 1401 та синфларда 1845 нафар болалар инклюзив таълим олмақда.

Инсон ҳуқуқлари, жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларининг кафолатларини мустаҳкамлаш, инклюзив ривожланиш, аҳолининг барча қатламлари тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлишларини таъминлаш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларида иштирок этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш юзасидан ҳурмати Президентимиз томонидан кўплаб ташаббуслар илгари сурилмоқда.

Жумладан, янги тахрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган.

Таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланиши белгиланди.

Албатта, инклюзив таълимни ташкил этиш ўзи осон кечадиган жараён эмас. Бу ерда жуда катта вазифалар турибди. Масалан, таълим муассасаларини мослаштириш, педагоглари ўқитиш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Чунки, инклюзив таълимнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у ўқув дастурига эмас, балки болаларга қаратилган. Бунга ҳар бир боланинг, шу жумладан, ногиронлиги бўлган ва қўшимча ёрдамга муҳтож бўлган болаларнинг эҳтиёжларини қондирадиган педагогика, турли методлар ҳамда комплекс ёндашув натижасида эришилади.

Шунингдек, инклюзив синф очилган умумий ўрта таълим мактабларга махсус педагогик штат ажратилмоқда. Буларга қимни қабул қилами? Бунга олий таълим муассасасининг дефектология йўналиши бўйича мамонланган

олий маълумотли ёки худди шу йўналишда қайта тайёрловдан ўтган педагоглариимиз ишга қабул қилинади. Мазкур махсус педагоглариимиз ҳар бир болага касаллик туридан келиб чиқиб ёндашиш орқали, уни жамиятимизга ижтимоийлашувига ҳамда билим кўникмаларини эгаллашга ёрдам беради.

Вазирлик мутахассиси тўғри фикрни айтди. Инклюзив таълимни жорий этиш учун аввало, мактабларида ногиронлиги бор болаларнинг таълим олиши учун имкониятлар яратилиши керак. Ногиронлиги бор болалар учун таълим муассасаларида зарур инфратузилма барпо этилса, тўсиқсиз муҳит яратилса, улар бемалол ва қийналмасдан мактабга қатнайди.

**Муқаддас ҲОСАИНИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП фракцияси
аъзоси:**

– Мамлакатимизда узоқ йиллар давомида ногиронлиги бўлган болалар махсус мактабларда ўқитиб келинмоқда. Улар деярли оддий умумтаълим мактабларида тахсил олишмайди. Табиийки, бу имконияти чекланган ўқувчилар таълими сифатига салбий таъсир кўрсатади. Уларнинг салоҳиятини тўлиқ очиб бериш ва келгусида, мактабни битиргандан сўнг жамиятга мослашуви жараёнлари қийинлашади.

Ногиронлиги бўлган болаларнинг алоҳида ўқитилиши уларнинг соғлом тенгдошлари билан мулоқотини чеклашига олиб келади. Натижада кўп йиллар давомида жамиятда имконияти чекланган шахсларга нисбатан турли стереотиплар шаклланди.

Охириги йилларда таълим соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар натижасида инклюзив таълим кенг жорий қилинмоқда. Мазкур йўналишдаги қонунийлик ҳужжатлари такомиллаштирилмоқда. Ўзбекистонда барча ўқувчилар бирдек таълим олиши мумкин бўлган илк мактаблар пайдо бўлмоқда.

Ўзбекистонда инклюзив таълимни ривожлантириш, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини такомиллаштириш ҳамда уларга кўрсатиладиган таълим хизматлари сифатини яхшилаш мақсадида 2020 йил 13 октябрь куни Президентнинг “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Шунингдек, 2024 йил 25 январда Вазирлар Маҳкамасининг “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг таълим олишларини ташкил этиш ва уларни реабилитация қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 46-сон қарори қабул қилинган эди. Шу асосида Президент ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ҳудудий бошқармалари таълимида ягона психологик-тиббий-педагогик комиссиялар ташкил этилди. Мазкур комиссиялар алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни давлат таълим ташкилотларига йўллашга масъул ҳисобланади. 2024 йил февраль ойидан бошлаб психологик-тиббий-педагогик комиссия хулосаси асосида 10 мингдан ортиқ алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар таълим-тарбияга қамраб олинди.

Бундан ташқари, 2024 йилдан бошлаб Тошкент шаҳрида “International inclusive hub” халқаро таянч инклюзив профессионал таълим маркази фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур марказда ёшларнинг реабилитацияси ва жамиятга мослашиши мақсадида уларга сифатли таълим олиш, иқтидорларини намоён этиш, замонавий ҳамда истиқболли касбларни танлашда тенг имкониятлар яратилган. Унда санъат ва IT соҳаларига оид бир қатор таълим дастурлари очилган.

Тўғриси, мактабларимизнинг аксарияти 70–80 йилларда, яъни, инклюзив таълим яратилмасдан олдин қурилгани учун ногиронлиги бўлган болалар бемалол ҳаракатланиши учун шароитлар яратилмаган. Аммо ҳозир қурилаётган мактабларда булар ҳисобга олинди.

Инклюзив мактаблар ногиронлиги бор болаларда таълим сифатининг яхшиланишига сабаб бўлмоқда. Ногиронлиги мавжуд болаларнинг иқтидори ва салоҳиятини тўлиқ очилишига ёрдам бermoқда. Шунингдек, таълим муассасаларидаги мавжуд инфратузилма яхшиланди.

Масалан, “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили”да амалга ошириш бўйича Давлат дастури лойиҳасига кўра, республикамизнинг ҳар бир туманида (шаҳрида) босқичма-босқич инклюзив таълим талабларига жавоб берадиган камда биттадан умумтаълим мактаб фаолияти ташкил этилади. Бу жамиятимизда жисмоний, ижтимоий-иқтисодий ҳолати, келиб чиқишидан қатъи назар, ҳар бир инсон, айниқса, болалар ва ёшлар таълим-тарбия олишда тенг имкониятларга эга бўлишида муҳим аҳамиятга эга, албатта.

Халқ демократик партияси ногиронлиги бўлган шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш тарафдори. Ногиронлиги бўлган болаларни қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш, уларга бошқалар каби тенг имкониятларни таъминлаш керак, деб ҳисоблаймиз. Маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан бирга инклюзив таълим масаласини, Президент қарорига белгиланган вазифалар қандай ижро этилаётганини манзилли ўрганиб, парламентда масъул вазирлик-идоралар билан бирга муҳокама қилишни режалаштирганмиз.

ИНКЛЮЗИВ МАКТАБГА САЁҲАТ...

Ўтган йили Тошкент шаҳридаги 298-умумтаълим мактаб ногиронлиги бўлган болалар учун қулай муассасага айлантирилган эди. Маълум бўлишича, мазкур мактаб ногиронлиги мавжуд ўқувчилар эркин ҳаракатланиши, ўқиши ва тенгдошлари ҳамда ўқитувчилари билан мулоқот қилиши мумкин бўлган қулай ҳамда хавфсиз инклюзив инфратузилмага эга Ўзбекистондаги биринчи таълим муассасасидир.

Жорий ўқув йилида тўрт нафар ногиронлиги бор ўқувчи таълим олишни бошлади. Улар орасида мия фалажи, аутизм, эшитиш қобилияти заиф болалар бор. Ушбу ўқувчиларга стандарт ва ихтисослашган ўқитувчилар таълим бermoқда. Ҳар бир бола учун мослаштирилган таълим дастурлари ишлаб чиқилган ва уларнинг ўқиши индивидуал эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилди.

298-сонли мактаб Олмазор туманида жойлашган. Бизга тақдим этилган маълумотларга кўра, мактабни инклюзивлаштириш масаласи 2023 йил ёзида тажриба сифатида танланган. Архитектурани режалаштириш ишлари ЮНИСЕФнинг мактаб биноларини универсал лойиҳалаш бўйича кўрсатмалари асосида 2024 йил январь ойида бошланган. Мактабда ногиронлиги бор болаларнинг тўлақонли таълим олиши ва қулай интеграциялашуви учун барча зарур шарт-шароит яратилди.

Мактаб раҳбарияти бу борадаги ишлар ҳақида бизга батафсил маълумот берди.

**Шерали РУСТАМОВ,
Олмазор туманидаги 298-мактаб
директори:**

– Мактабимиз инклюзив таълим учун қайта жиҳозланди, десак ҳам бўлади. Жиҳозланиш қандай?

Дастлабки босқичда бошланғич синфлар ўқитиладиган биринчи қават ва мактаб ҳолиси ногиронлиги бор болаларнинг эҳтиёжларига мослаштирилди. Биринчи қаватга, жумладан, йўлақлар, ўқув хоналари, овқатланиш хонаси, спорт зали ва тез тиббий ёрдам пунктига тактил плиткалар ётқизилди, кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар учун пол белгилари қўйилди. Бундай йўлақлар ҳамма болалар ҳаракатланадиган жойнинг ўрта қисмидан ўрин олган. Ногиронлиги бор болалар ёрдамсиз ҳаракатланиши учун. Йўлақларда махсус плиталар ётқизилди. Бундан ташқари, таянч ҳаракатида ёрдам керак бўлган болалар учун деворларнинг ён қисмида ушлагичлар ўрнатилди. Жаҳон стандартлари асосида пандуслар қилинди.

Бошқа қаватларга бемалол ҳаракатланиши учун бино ичида лифт ҳам бор. Яъни, мактабимизнинг бошқа қаватлари ҳам ногиронлиги бўлган болалар эҳтиёжларига мослаштирилса, ҳаракатланиши чекланган мактаб ўқувчилари лифтда қийналмасдан бошқа қаватларга чиқиш, туша олади.

Ҳозир фақат биринчи қават ногиронлиги бўлган болалар учун мослаштирилган. Яқин йилларда барча қаватларни таъмирлаб, тў-

сиқсиз муҳитни яратсак, ногиронлиги бор ўқувчиларни нафақат бошланғич, балки юқори синфларга ҳам қамраб олишни режалаштирганмиз.

Ҳозир мактабимизда 5 нафар ногиронлиги бор болалар тахсил олмақда. Мақсад уларнинг ақлий ривожланишида тенгдошларидан орқадан қолмасликларини таъминлаш, улар ҳам жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлигини ҳис қилдиришдан иборат. Ўқитувчилар шу йўналиш бўйича қайта тайёрланиб, уларга сертификатлар берилди, улар ногиронлиги бор болалар билан ишлашга ўргатилди.

Мактабнинг ногиронлиги бўлган болалар учун мослаштирилганидан тўғриси, қувондик. Чунки ногиронлиги бўлган болалар ҳам соғлом болалар билан бир хил эътиборда ўқий олиши керак. Тахсилларга кўра, агар мактабларда инклюзив таълим билан қамраб олиш учун шароит яратилса, ногиронлиги бор 16 ёшгача болаларнинг 80 фоизидан ортиғи бемалол мактабга бора олади.

Мактабдаги педагоглarning айтишига қараганда, ушбу мактабда таъмирлаш ишлари билан бирга профессор-ўқитувчиларнинг психологик-педагогик тайёрлиги ҳам синовдан ўтказилди. Яъни, раҳбарият ва ўқитувчилар маълум гуруҳга мансуб болалар билан ишлаш бўйича ЮНИСЕФ кўмагида махсус курсларни тамомлади ва иштирокчиларга сертификатлар топширилди.

– Бундан ташқари, мактабда инклюзив таълим бўйича мутахассислар штаби очилди. Унинг таркибига психолог, дефектолог, логопед ва бошқа ўқитувчилар кириди. Ўқувчиларнинг ота-оналари учун болаларнинг таълим жараёнига мослашиши ва мактаб муҳитига интеграциялашувига ёрдам бериш мақсадида тренинг ташкил этилди, деб қўшимча қилди мактаб директори Шерали Рустамов.

Кўриниб турибдики, сўнгги вақтларда имконияти чекланганларни жамиятга тўлиқ ижтимоий интеграция қилиш чорасини кўриш ва шарт-шароит яратишга жиддий эътибор қаратилляпти. Гап сифатли таълим олиш учун зарур шароит яратиб берилишида.

ИНКЛЮЗИВ МАКТАБЛАР УЧУН ПЕДАГОГЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Юқорида педагоглар тайёрлиги хусусида бежизга фикр юритмадик. Чунки тизимга инклюзияни ривожлантириш Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги зиммасига юклатилган. Олий таълим даргоҳларида имконияти чекланган инсонлар учун қулай яшаш шароитларини яратиш, шунингдек, махсус кадрлар тайёрлаш вазифаси ҳам қўйилди. Ҳўш, инклюзив таълим учун педагоглар қандай тайёрланмоқда?

**Нигора ЭГАМБЕРДИЕВА,
Чирчиқ давлат педагогика
университети ўқитувчиси:**

– Ҳозир Чирчиқ давлат педагогика университетига ушбу йўналишда педагоглар тайёрланмоқда. Ўтган йилдан бошлаб сурдо таржимон йўналиши очилди ва ижодий имтиҳон асосида, шунингдек, 2 фоизли квота орқали талабалар қабул қилинмоқда.

Улар ижодий имтиҳон топшириб кирганлиги учун ва уларнинг ота-оналарида ҳам эшитишда муаммоси борлиги учун улар имошора тилини билади. Шунинг учун ҳам биз талабаларни ҳам мана шу ишга жалб этишимиз керак бўлади. Масалан, волонтер ёки тўтовор сифатида.

Шунингдек, бошқа йўналиш талабаларини ҳам ушбу таълимга тайёрлаш, алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар билан яқиндан таништириш мақсадида инклюзив таълим госпитал педагогика модули фани киритилди. Ҳозирда санъатшунослик, бошланғич таълим, тил ва адабиёт факультетларида ўқиётган талабалар ҳам инклюзив таълим модули бўйича ўз билимларини оширмоқда.

Тўғри, инлюзив таълимни жорий қилиш осон бўлмаган жараён, бунга босқичма-босқич борилади. Режаларга қаралса, ҳаммаси қийинли. Биз ҳам режалаштирилган барча мақсадлар тўлиқ амалга ошади, деган умиддамиз. Ногиронлиги бор болалар ҳам бошқалар сингари бир хил шароитда таълим олиши керак, уларга дарсликлар, ўқув қўлланмалари етмай қолиши керак эмас. Шунда бундай болалар ҳам соғлом болалар каби қийналмасдан мактабга бориши, келажақда ўз йўлини осонроқ топиши мумкин.

Ҳар бир бола – бир дунё. Ногиронлиги бор болалар ҳам кўп нарсга эришиши мумкин. Шунинг қанча кенг ва аниқ тўшунасак, албатта, инклюзив таълимни ривожлантиришга эришамиз.

**Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.**

ҲАР БИР МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН МАНФААТИ БОР



Ўзбекистонда сўнгги йилларда фуқаролар муурожаатларига муносабат тамоман ўзгарди. Бир пайтлар муаммоси бор кишилар кўп ҳолларда қўлида қоғози билан идорама-идора сарсон юрган, муаммосини кимга айтишни билмаган. Масъул раҳбарнинг йиғилишдан чиқиши-ю хизмат сафаридан келишини кунлаб кутишган. Ҳозир вазият бошқача.

Бугун раҳбарлар, депутатлар кун узок хонада эмас, балки аҳоли орасида кўп юрпяти. Ҳатто бир пайтлар одамлар тани-

маган, фақат исмини эшитган, пойтахтда ўтирган вазирлар-у катта-катта идора-ларнинг раҳбарлари ҳам жойларга чиқиб, олис ҳудудларга бориб, сайёр қабуллар ўтказяпти, ўзи халқ ҳузурига боряпти. Одамларнинг ҳаёт даражасини, жойлардаги ҳақиқий аҳволни ўз кўзи билан кўряпти. Парламент ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловчилари билан тез-тез учрашяпти, муаммоларни тинглаяпти, муурожаатларни ўрганяпти. Тўғри-да, ҳаёт қоғозда кўрсатилгандан бошқача.

Депутат илгари жойлардаги ҳақиқий

ҳолатни чуқур англамай туриб таклиф тайёрлаган бўлса, бугун ундай эмас. У ҳудуддаги реал вазиятни ўз кўзи билан кўрган, одамлар билан юзлашган. Шунинг учун сайловчи муурожаатида кўтарилган масаланинг ипидан игнасигача билади, қоғоздаги маълумот билан уни алдаб ҳам бўлмайди. Демак, ҳамма гап сайловчиларга қулоқ туттишда, улар билан елкама-елка туришда...

Ҳар бир муаммонинг ўзига хос бир нечта сабаблари бўлади. Бу ҳақда кўп гапириш мумкин. Лекин муурожаатларни ҳал этишга

келганда, депутатларга ҳам осон тутмаслик керак. Айниқса, маҳаллий Кенгаш депутатларига...

Улар ҳар куни фуқароларни қабул қилади, муаммоларга мутасаддилар билан биргаликда ечим топишга интилади.

Мавзуга ҳамоҳанг тарзда эътиборимизни партияимизнинг маҳаллий кенгашларига бўлаётган муурожаатлар, депутатларнинг сайловчилар билан мулоқотлари, муаммолар таҳлили, уларнинг ечими борасидаги амалий ҳаракатлар самарасига қаратамиз.



Мавжуда ҲАСАНОВА,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
бошқарма бошлиғи:

- Муурожаат қилиш фуқароларнинг муҳим ҳуқуқларидан биридир. Эътибор билан кўриб чиқсак, уларда нафақат муаммолар, балки одамларимизнинг кайфияти, шарт-шароити, олиб борилаётган ислохотларга муносабати ҳам акс этади. Демак, муурожаатга эътиборсиз қарашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чунки ҳар бир муурожаат ортида одамлар ҳаёти билан боғлиқ масалалар бўлади. У хоҳ шахсий, хоҳ ҳудудий муаммолар бўлсин, аҳолининг ижтимоий фаолиятига таъсир қилади.

Агарда таққослайдиган бўлсак, бугунги кундаги муурожаатлар бундан 5-6 йил олдин қилинган муурожаатлардан кескин фарқ қилади. Авваллари одамлар кўпроқ шахсий муаммоларини ҳал қилишга ёрдам сўраб муурожаат қилган бўлса, ҳозир ундай эмас. Айни вақтда муурожаатлар асосан жамоавий, яъни, маҳалла аҳолиси учун инфратузилмани яхшилаш, таълим ва соғлиқни сақлаш масалаларини қайта қуриш ёки капитал таъмирлаш масалаларида бўлмоқда. Демак, одамларда яшаб турган қишлоғи, маҳалласи, ўз ҳудудига дахлдорлик кучайган.

Депутатларимиз ўзлари сайланган ҳудудларнинг аҳолиси билан мунтазам равишда учрашувлар, ўтказиш орқали муаммоларини ўрганмоқда. Муурожаатларни ўрганиш ва уларни самарали ҳал этишда депутатлар ва "маҳалла еттилиги" ҳамкорлиги, "Депутат маҳаллада" лойиҳалари яхши самара бермоқда. Таҳлилларга эътибор берадиган бўлсак, партияимиз ташкилотлари ва депутатларимизга бўлаётган муурожаатларнинг асосий қисми уй-жой, ер билан таъминлаш, йўл қурилиши, соғлиқни сақлаш, моддий ёрдам, коммунал хизматлар, кредит олиш ҳамда қурилиш соҳасидаги камчиликлар ҳақида бўляпти. Албатта, депутатлар муаммоларни ўрганиб мутасаддилар билан бирга уларни ҳал этишга жиддий киришмоқда.

Масалан, ўтган йили "Депутат маҳаллада" лойиҳаси доирасида 5672 нафар ёлғиз кексалар, боқувчиси йўқ оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олинди. 12568 нафар "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га киритилган аҳоли муаммолари ўрганилди. 2833 маротаба аҳолини ўйлантираётган муаммолар юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назорати тартибда депутатлик сўровларидан фойдаланилди.

Албатта, ҳар бир муурожаат ортида инсон тақдири, унинг даражаси таъшиши ётади. Бу борада бир идора эшигини тақиллатиб, ўз муаммоларини айтган одамлар оғирини енгил қилишимиз, ҳар бир муурожаатга масъулият билан ёндашишимиз талаб этилади. Бугун халқ билан ҳамнафас бўлиш, унинг қувонч ва шодлиқларига шерик бўлиш, қийналган дамларида амалий ёрдам кўрсатиш учун бор куч-ғайратимизни ишга солишимиз керак.



Малоҳат ЭРГАШЕВА,
ЎзХДП Тошкент вилоят
кенгаши бўлим бошлиғи:

- Аҳоли муурожаатлари билан ишлаш, фуқароларни қийнаб келаётган муаммоларга ҳуқуқий ечим топишда сайёр қабулларнинг аҳамияти катта. Бу борада ҳудудларда сайёр қабуллар ташкил этилмоқдаки, бу амалиёт ижобий самараларга омил бўлмоқда.

Масалан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси минтақавий кенгашлар томонидан "Аҳоли билан мулоқот: муаммо, ечим ва самара" мавзусида ўтказилган очик мулоқотлар, "Депутат маҳаллада" лойиҳалари асосида муурожаатларни қабул қилиш, уларни ечишда муҳим аҳамият касб этди, дейиш мумкин.

Сайловчилар билан учрашувларда ўз бизнесини йўлга қўйиш, ҳудудларда тadbirkorликни ривожлантириш, кредит

олиш, ичимлик суви билан таъминлаш ва коммунал соҳа билан боғлиқ қатор масалаларда муурожаатлар бўлмоқда.

Масалан, куни кеча "Депутат маҳаллада" лойиҳаси доирасида ЎзХДП Юқори Чирчиқ туман Кенгаши раиси "Дўстлик" ордени соҳиби Латиф Мансуров ҳамда халқ депутатлари Юқори Чирчиқ туман Кенгаши, 13-Жумабозор сайлов округи депутати Рустам Абдумуратов сайловчилар билан учрашди. Унда "Жумабозор" МФЙ, А.Ешимбетов кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро Фаррух Арипов оиласида чорвачиликни ривожлантириши учун 33 миллион сўм кредит олишда амалий ёрдам сўраб муурожаат қилди. Эртасигаёқ фаолларимиз ва депутатлар бу муурожаатни ҳал қилишга киришишди.

Шунингдек, куни кеча халқ депутатлари Паркент тумани Кенгаши депутати Ю.Убайдуллаева "Толбулок" МФЙ аҳолиси билан учрашиб, аҳоли муурожаатларини ўрганиб чиқди. Муурожаатлар юзасидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари чиқарилди. Аҳоли талабига кўра, маҳаллага банккомат ўрнатиш масаласи ҳам ўрганиб чиқилди ва мутасадди ташкилотларга хат ва депутатлик сўрови чиқарилди. Шунингдек, "маҳалла еттилиги" томонидан ўтказилаётган хатлов ҳолати, ижтимоий кўмакка муҳтожлар, ўқиш ва тadbirkorлик истагидаги фуқаролар, "Аёллар дафтари" га киритилаётган хотин-қизлар ўрганилди.

Бундан ташқари, туман ҳокими бошчилигида сектор раҳбарлари, туман ҳокимининг ўринбосарлари, фаоллар, депутатлар биргаликда тумандаги ҳар бир маҳалладаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ва бартараф этиш юзасидан тизимли ишларни олиб боришмоқда. Албатта, булар депутатларимиз муурожаатларга жиддий эътибор бераётгани,

уларни ижобий ечишда жонбозлик кўрсатаётганига мисол, холос. Энг муҳими, бу орқали қанчадан-қанча аҳолини ўйлантирган муаммолар ҳал этилди, одамларнинг оғирни енгил бўлди. Ҳамма гап шунда, аслида.

Натижалар ҳам ёмон бўлмапти. Масалан, жорий йилнинг 17 январь куни Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти Бекобод шаҳар Кенгаши депутати Х.Ибрагимова "Ўзбекистон" МФЙ фуқароларидан фарзандлари таълим олаётган 2-умумтаълим мактабида иссиқлик тизими ишламаётганиги тўғрисидаги муурожаат тушди. Депутат таълим даргоҳига бориб, муаммони ўрганиди. Шунингдек, иситиш тизими билан бир қаторда ўқувчилар учун яратилган шарт-шароитлар, ўқувчиларнинг соғлом овқатланиши, спорт майдонлари ва заллари ҳолатлари ҳам ўрганилди. Мактаб биносини иситиш тизими масаласида депутат Х.Ибрагимова тегишли ташкилот раҳбарларига муурожаат қилди ва бугунги кунда иситиш тизими билан бўлган муаммо ижобий ҳал этилди.

Маълумки, сўнгги пайтларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўз округларида тез-тез бўлиб, муаммоларни ўрганиши ва улар ечими бўйича тақилфлар тайёрлаш аънанавий тус олди. Ҳозир депутатлар халқнинг олдига боришдан, дардини эшитишдан чўчимайди, қочмайди. Чунки муаммоларни ўрганиш, ҳал этиш юзасидан ваколатимиз етарли. Фақат ҳар бир муурожаатга катта муаммодек қарасак ва ўрнида ҳал этилишига эришсак бўлди. Шунда одамлар ҳам ҳаётдан рози бўлиб яшайди. Бу янги ва халқчил қонунларнинг яратилиши учун ҳам замин яратади, албатта.



Шавкат ЭРМАТОВ,
халқ депутатлари Фарғона
вилоят кенгашидаги ЎзХДП
депутати:

- Албатта, фуқаро муурожаатларига эътибор — биринчи галдаги вазифа. Негаки, ҳар бир масала ортида инсон тақдири ётади. Шу ўринда бир масала. Шундай ҳоллар бўладики, қоғозда муурожаат ҳал этилгани қайд этилади. Лекин биз ҳудудларга борганимизда яна ушбу масала кўтарилади. Қандай қилиб? Чунки, фуқаролар билан учрашмасдан, муаммо

ечилмасдан муурожаатлар қоғозда ёпиб юборилган. Энди ўйлаб кўрайлик, бундан кимга фойда, кимни алдаяпмиз? Масалани назоратдан чиқариш эмас, уни ечиш, одамларнинг оғирини енгил қилиш асосий масала эмасми?

Ҳеч ким бировнинг эшигини шунчаки тақиллатмайди. Инсон қачонки, муаммога дуч келса, уни ҳал этиш учун ўзи ҳам чорасиз бўлсагина давлат идораси ёки жамоат ташкилотига боради. Янада оддийроқ қилиб айтганда, пичоқ суякка қадалганда.

Бир марта кўчаси таъмирланса, йиллаб эскириб ётган электр симлари алмаштирилса, йиллар давомида келмаган сувлар учун қувурлар ётқизибли, ичимлик суви келиб турса, сайловчи нега безовта бўлсин?! Бошқа майда масалалар вақт ҳам, катта маблағ ҳам талаб этмайди. Шунчаки эътиборнинг ўзи уни ҳал қилиш учун етарли.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Мутасадди ташкилотларга муурожаат хати билан чиқилганда келган жавоб хатлари кишини таажжублантиради. Аксарият ҳолларда биз сўраган аниқ масала бир четда қолиб, унга бевосита алоқаси йўқ маълумотлар ёки "шаблон" жавоб жўнатилади. Мазкур ташкилотларнинг мутасадди ташкилотлари жойларда одамлар дуч келаётган муаммолардан яхши хабардор эмасми, деб ўйлаб қоласан киши. Кўп ҳолларда жавоб хати ҳам номига ёзилганга ўхшайди. Депутат муурожаати ортида минглаб

инсонларнинг манфаати туради. Аммо айрим мутасаддилар ҳали ҳамон бу муҳим масалага беписанд қарамоқда. Айрим ташкилотлар мутасаддилари бу ҳақдаги танқидий фикрлардан ўзларига ҳулоса чиқармаган, халқимиз олдида ҳисобдор эканини тўғри англамаган кўринади. Муаммога юзаси ёндашиш, муурожаатга номига жавоб ёзиш билан ҳурмат топиб, одамларни рози қилиб бўлмайди.

Депутатларнинг барчаси ҳам муурожаатларга бирдек эътиборли бўлавермайди. Беш қўл баробар эмас. Бир депутат сайловчилар билан мунтазам алоқани йўлга қўйган бўлса, бошқа бири бу борада бироз сусткашлик қилади. Айримлари эса одамлар ташвишига берафқ. Унутмайликки, одамлар муҳтожликдан, қайсидир жойда ҳуқуқлари поймол қилинганидан нажот сўраб, катта умид билан муурожаат қилади. Бунинг ортида кўп ҳолларда инсон тақдири туради ёки бўлмаса ҳудуддаги юзлаб, минглаб инсонларни қийнаётган муаммо туради. Шунинг учун муаммоларга, муурожаатларга бармоқ орасидан қарашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Муурожаатлар кўпайишини ҳар бир мутасаддилар ўзларига берилган баҳо деб қабул қилишсагина соҳада ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Лазиза ШЕРОВА,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

Жиззах:

Саломатлик акцияси:

БАХМАЛ АҲОЛИСИ БЕПУЛ ТИББИЙ КЎРИҚДАН ЎТКАЗИЛДИ

Бугун соғлиқни сақлаш тизими олдига бутунлай янги талаб ва вазифалар қўйилмоқда. Хусусан, сифатли тиббий хизматни «маҳаллагача тушириш», улар тармоғини янада кенгайтириш, тизимни одамларга яқинлаштириш масаласи кун тартибда турибди.

Партиянинг Жиззах вилояти Бахмал туман кенгаши томонидан ҳамкор ташкилотлар билан бирга Саломатлик акцияси ташкил этилди. Акция доирасида «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»да рўйхатга олинган оилалар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди.

Соғломлаштириш акцияси давомида тор доирадаги малакали мутахассислар томонидан тиббий кўрик амалга оширилиб, текширувлар жараёнида аниқланган хасталиклар юзасидан зарур муолажалар қўлланилди. Шунингдек, соҳа мутахассислари беморларга даволашни бўйича маслаҳат ва тавсиялар беришди.

Самарқанд:

ДЕПУТАТ МАҲАЛЛАДАГИ МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА КЎМАКЛАШМОҚДА

Халқ депутатлари Тойлоқ туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Дилафруз Улуғбоева тумандаги қатор маҳаллаларда бўлиб, ҳудудлардаги муаммоларни ўрганмоқда.

Жумладан, депутат «маҳалла еттилиги» билан ҳамкорликда «Боғичинор» маҳалласида бўлди. Маълум бўлишича, «Боғичинор» МФЙ ҳудудидаги сув минорасининг ўз белгиланган чегараси мавжуд. Аммо ҳозирги кунда унинг атрофи ўралмаган. Ваҳоланки, сув минораси атрофидаги ҳудудда аҳоли турар жойлари ҳамда 20-мактабга таълим ташкилоти, 22-умумтаълим мактаби яқин масофада жойлашган. Бу эса хавфсизликка таҳдид туғдиради. Чунки ёш болалар сув минораси атрофида ўйнаши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Шуни инобатга олган ҳолда сув минораси ҳудуди чегарасини темир панжара ёки девор билан ўраш масаласида соҳа мутахассисларидан амалий ёрдам сўралди. Ушбу сув иншооти масъуллар томонидан девор билан ўраб берилса, «маҳалла еттилиги» билан ҳамкорликда ушбу сув иншоотининг атрофида дархастлар эклиб, ободонлаштириш имкони юзага келади. Депутат ва «маҳалла еттилиги» масалани мутасадди ташкилотлар билан ҳал этишга киришди.

Депутатнинг бу каби ўрганишлари туманнинг бошқа маҳаллаларида давом этади.

Хоразм:

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР НАТИЖА БЕРМОҚДА


Халқ депутатлари Урганч туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Гулистон Раджапова ўзи сайланган "Ҳожибойлар", "Шоҳидонлар", "Оқ мактаб" маҳаллаларида бўлиб, аҳоли вакиллари билан учрашди.

Депутат Агротехника техникуми биносидан туман куратори С.Гайбиев, Халқ қабулхонаси мудир Э.Сапаев ҳамкорлигида фуқароларни қабул қилди. Қабул жараёнида тегишли идора ва ташкилот раҳбарлари, фуқаролар қатнашдилар.

Қабул жараёнида фуқароларнинг муаммолари ўрганилди ва муурожаатлари тингланди.

Муурожаатлар асосан уйларнинг том қисмини таъмирлаш, бола пули, таълим кредити олиш билан боғлиқ бўлди. Шунингдек, ўз ишини бошлаш истагидагилар кам фоизли кредит масаласи, «Оқ мактаб» кўчасидаги ер остидан ўтган эски 100 метр газ трубабини ер устидан ўтказиш, маиший қичқиндилар учун махсус контейнерлар қўйиб бериш масалаларида амалий ёрдам сўрашди.

Муурожаатларнинг баъзилари шу жойнинг ўзида ҳал қилинди, баъзиларига тегишли ташкилот раҳбарларига депутатлик сўрови билан муурожаат қилиш белгилаб олинди.



“ОЛТИН ДАВРГА ҚАДАМ”

АҚШНИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗИНИНГ ДАВЛАТ РАХБАРИ ЛАВОЗИМИГА ҚАЙТИШИНИ МАМЛАКАТ УЧУН ТАРИХИЙ БУРИЛИШ НУҚТАСИ, ДЕБ АТАДИ. ТРАМП “АМЕРИКАНИНГ ПАСАЙИШИ” НИ ТУГАТИШГА ВАЪДА БЕРДИ ВА “ҚЎШМА ШТАТЛАРНИНГ ОЛТИН ДАВРИ ШУ ЕРДА ВА ҲОЗИР БОШЛАНАДИ”, ДЕЯ ТАЪКИДЛАДИ. НУТҚ КАТТА ВАЪДАЛАР ВА ҚАРАМА-ҚАРШИЛИКЛАРГА ҲАМ БОЙ БЎЛДИ.

Американинги сайланган Президенти Дональд Трамп Президентлик лавозимида расман иш бошлади. У АҚШ тарихида собиқ давлат раҳбари бир муддатли танаффусдан кейин мамлакатни яна бошқаришга киришган иккинчи Президентдир (Гровер Кливленд 1885-1889 ва 1893-1897 йилларда АҚШ Президенти бўлган). 2017-2021 йиллари давлат раҳбари лавозимида фаолият юритган Трамп эндиликда Американинги 47-Президенти сифатида фаолият юритади.

Инаугурация нафақат сиёсий жараён, балки ҳоқимиятни тинч йўл билан қабул қилиб олиш рамзи ҳамдир. Одатда АҚШ Президентининги инаугурацияси Капитолий пиллапояларида ўтарди. Унда олий мартабали меҳмонлар ўтирар, Президентнинг ўзи нутқ сўзларди. Томошабинлар эса Юнион-сквердан Жорж Вашингтоннинг ёдгорлигигача бўлган қарийб 2 километрлик майдондан жой эгалларди. Бироқ, бу сафар ҳаддан ортиқ совуқ ҳарорат туфайли маросимни Капитолий залига кўчиришга қарор қилинди. The Washington Post газетасининг ёзишича, ташкилотчиларга бу хабар кеч етказилган ва маросимга тайёргарлик даврида олинган тасвирларда Юнион-скверга томошабинлар учун ўриндиқлар ўрнатиб бўлганлиги акс этган. Трампга уюштирилган суиқасдларни ҳисобга олиб мутахассислар хавфсизлик нуктаи назаридан ҳам тадбир ёпиқ залга кўчирилганини таъкидлашмоқда.

Капитолийдаги маросимда экс-Президентлар Билл Клинтон, Жорж Буш ва Барак Обама, Apple, Amazon,



АМЕРИКА ХАЛҚИ ХОҲИШ-ИРОДАСИ БИЛАН ҚАЙТА ПРЕЗИДЕНТ ЭТИБ САЙЛАНГАН ДОНАЛЪД ТРАМП ЯНА 4 ЙИЛ МАМЛАКАТНИ БОШҚАРАДИ. ШТАТЛАР КОНСТИТУЦИЯСИГА БИНОАН УНИНГ АМАЛДАГИ МУҲЛАТИ ТУГАГАЧ, ҚАЙТА САЙЛАНИШ ҲУҚУҚИ ҚОЛМАЙДИ. ШУ БОИСДАН ҲАМ У БАРЧА РЕЖАЛАРАНИ ҚИСҚА ВА ТЕЗ СУРЪАТДА АМАЛГА ОШИРИШНИ РЕЖАЛАШТИРГАН.

Google компаниялари бош директорлари Тим Кук, Жефф Безос, Сундар Пичаи, Tesla асосчиси Илон Маск, TikTok раҳбари Цзи Чу, шунингдек, бошқа юлдазлар ва тадбиркорлар иштирок этди. АҚШ Олий суди раиси Жон Робертс олиб борган маросимда Трамп мамлакат тарихида янги саҳифа очишни ваъда қилди.

Энергетика соҳасида фавқулодда ҳолат ва Париж келишувидан чиқиб Дональд Трамп Президент сифатида қасамд қилганидан кейин халққа мурожат этиб, ташқи ва ички сиёсатдаги бир қатор ташаббуслари билан ўртоқлашди. Жумладан, энергетика соҳасида фавқулодда ҳолат эълон қилишга ваъда берди. Бу эса қазилма энергия манбалари - нефть қазиб олишни кўпайтиришни аниқлади. "Биз яна бой мамлакатга айланамиз ва бунда бизга оёқларимиз остидаги суюқ олтин ёрдам беради", деди у. Бундан ташқари, Трамп иқлим бўйича Париж келишувидан АҚШ яна чиқишини ва мамлакат электрда юрвучи автомобиллар ҳиссасини кўпайтиришга



интилмаслигини маълум қилди. Республикачи глобал исми концепциясининг илмий асосланганлигига шубҳаланиши юзасидан жуда кўп мартаба фикр-мулоҳазаларини билдирган. У 2017 йилда АҚШнинг иқлим бўйича Париж келишувидан чиқиши юзасидан таклиф билдирган ва 2020 йилнинг ноябрида мазкур жараён якунланган. Бироқ, 2021 йилнинг январидан Штатлар Президенти лавозимини эгаллаган Жо Байден Вашингтон мазкур ҳужжатга қайтиши тўғрисидаги фармонга имзо чеккан.

ИММИГРАЦИЯ ВА ОММАВИЙ ДЕПОРТАЦИЯ

Президентлигининг биринчи кунда Трамп Америка тарихидаги энг йирик депортация дастурини бошлашга ваъда берди. У миллионлаб жиноятчи мигрантлар ўз юртига қайтарилиши, мамлакат чегарасида фавқулодда ҳолат эълон қилиши ва ҳарбийларга Жанубий чегарани ҳимоя қилишни буюриши кутилмоқда. CNN маълумотларига кўра, Трамп маъмурияти аввалдан режалаштириб қўйилган кенг кўламли иммиграциявий чоралар пакетини тасдиқлаган. Шунингдек, наркокартеллар террорчилик ташкилотлари деб эълон қилиниши, камида тўрт ой давомида қочқинларни жойлаштириш дастури тўхтатилиши, федерал иммиграция идораларининг черковлар ва мактабларга бостириб киришига тўсқинлик қилувчи буйруқ бекор бўлиши ва "Мексикада қолинг" сиёсати қайта тикланиши эҳтимоли бор. Мутахассислар истаган оммавий депортация дастури логистика қийинчиликлари, миллиардлаб харажатлар ва кўплаб суд жараёнларига сабаб бўлишини тахмин қилишмоқда.

ТЕЗ ОРАДА МЕКСИКА КЎРФАЗИ АМЕРИКА КЎРФАЗИ, ДЕЯ ЎЗГАРТИРИЛАДИ

Капитолийдаги нутқи давомида Дональд Трамп гарчанд тинчликпарварлик сиёсати, Америка бошламаган урушларга чек қўйиши ҳақида гапирган бўлса-да, кўпчиликнинг муҳокамаларига сабаб бўлаётган Украина масаласига тўхталмаган. «Менинг энг катта ғурурим тинчликпарвар ва бирлаштирувчи мерос қолдиришим бўлади», деди АҚШнинг 47-Президенти. Шунинг билан бирга тез орада Мексика кўрфазининг номи Америка кўрфазига ўзгартириш, Шимолий Америкадаги энг баланд Денали тоғининг аввалги Мак-Кинли номи тиклаш, Панама канални қайтариб олиш каби режаларини баён қилган. Унинг сўзларига кўра, Панамага АҚШ тарихидаги энг қиммат қурилиш лойиҳаси бўлган канални бериш нотўғри бўлган. Америка кемалари эндиликда Панама канали орқали ўтиш учун жуда катта бож тўламоқда.

КАПИТОЛИЙДА ТАРТИБСИЗЛИКЛАР УЧУН ҲУҚМ ҚИЛИНГАНЛАР АФВ ЭТИЛАДИ

АҚШнинг янги Президенти дастлабки фармонларини Оқ уйда эмас тантанали маросим тугагач, Вашингтондаги Capital One Arena спорт залида минглаб тарафдорлари қаршида имзолади. Биринчи навбатда у Байден маъмуриятининг 78 та ҳужжатини бекор қилди. Ҳарбийларни мустасно қилган ҳолда давлат хизматчиларини ишга ёлвашни вақтинчалик тўхтатди. Капитолий штурмидаги 1 ярим минг қатнашчини авф этди.

Дональд Трамп дунёдаги энг таниқли сиёсатчилардан биридир. Аввалги Президентлиги чоғида 2 мартаба импичмент жараёнидан ўтган. Мазкур Президентлик сайловлари пайтида 2 та суиқасддан омон қолди ва бир вақтнинг ўзиде тўртта жиноий ишда айбланди. Шунга қарамай, Америка халқи хоҳиш-иродаси билан қайта Президент этиб сайланган Дональд Трамп яна 4 йил мамлакатни бошқаради. Штатлар конституциясига биноан унинг амалдаги муҳлати тугагач, қайта сайланиш ҳуқуқи қолмайди. Шу боисдан ҳам у барча режаларини қисқа ва тез суръатда амалга оширишни режалаштирган.

**Хурридабону НАЗАРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.**



ХОРИЖ ХАБАРЛАРИ

ЗАМОНАВИЙ ХИТОЙ ЖИДДИЙ ДЕМОГРАФИК МУАММОЛАРГА ДУЧ КЕЛМОҚДА

2024 йилда Хитой аҳолиси 1,39 миллионга камайди ва ҳозирда 1,4 миллиарддан сал кўпроқни ташкил этмоқда. Хитой Халқ Республикаси давлат статистика бюроси ҳисоботида келтирилишича, ўтган йили 9,54 миллион чақалоқ дунёга келиб, туғилиш даражаси 6,77

фоиз, 10,93 миллион киши вафот этиб, ўлим 7,76 фоиз даражасида қайд этилган. Бугунги кунда мамлакатда эркаклар 719,09 миллион, аёллар сони эса 689,19 миллион бўлиб, 100 нафар аёлга деярли 105 нафар эркак тўғри келади.

Хитой гендер мувозанати ва аҳолининг қариши каби жиддий демографик муаммоларга дуч келишининг сабабларидан бири 1970 йилларнинг охирида жорий этилган "бир оила, бир бола" сиёсатидир. Унга кўра, шаҳарлардаги оилаларга фақат битта, қишлоқларда эса агар биринчи фарзанд қиз бўлса, иккинчисига рухсат берилган. 2013 йилдан бошлаб эса давлат туғилиш билан боғлиқ чекловларни юмшатиб келмоқда. Хаттоки, 2021 йилда қонунчилик даражасида учинчи фарзандни дунёга келтиришга ҳам рухсат берилди ва барча жарима, тўловлар бекор қилинди. Бироқ, бу чоралар туғилишлар кўпайишига туртки бўлмади ва аксинча, йилдан йилга камайиб бормоқда.



КАЛИФОРНИЯДАГИ ЙИРИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯДА ЁНГИН ЮЗ БЕРДИ

АҚШнинг Калифорния штати Мосс-Лендинг шаҳридаги йирик электр станцияда ёнгин содир бўлди. Монтерей округи Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан қатор худудларда эвакуация эълон қилиниб, аҳолига дераза ва эшикларни ёпиш, вентиляция тизимини ўчириш тавсия қилинган.

Santa Cruz Sentinel газетаси маълумотларига қараганда, Moss Landing Power Plant дунёдаги йирик аккумулятор электр станцияларидан бири ҳисобланади ва 10 минглаб литий батареяларга эга. Тахминларга кўра, ўт айнан литий батареялар омборидан чиққан.

7 январь куни Лос-Анжелес округида бошланган ўрмон ёнгинлари эса штат тарихидаги энг йириги, деб тан олинган. Расмий маълумотларга қараганда, аланга қуршовида қолган умумий майдон 16 минг гектардан ошди. Камида 25 киши ҳалок бўлди ва 12,3 мингдан зиёд бино, шу жумладан, машҳур шахсларнинг уйлари вайронага айланди. Метеорологларнинг таъкидлашича, қуруқ ва шамолли об-ҳаво оловнинг тез тарқалишига сабаб бўлган.



НИГЕРИЯДА БЕНЗИН ТАШУВЧИ АВТОЦИСТЕРНА ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

Нигерияда ёқилғи ортилган автоцистерналар портлаши оқибатида ҳаётдан кўз юмганлар сони 86 нафарга етди. Бу ҳақда Нигерия фавқулодда вазиятлар Миллий агентлиги маълумот берган. Фавқулодда ҳодиса Абужа-Кадунна тез юрар трассаси атрофидаги ёқилғи қуйиш шахобчасида автоцистерна ағдарилиши оқибатида содир бўлган. Тўқилган бензинни тортиб олиш учун воқеа жойига яна бир автомобиль етиб келган. Бироқ, насосдан фойдаланиш чоғида генераторга ёнилғи тушиши оқибатида портлаш ва ёнгин юзага келган.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги вакилларининг билдиришича, қурбон бўлганларнинг аксарияти тўқилган ёқилғини йиғиштириб олиш мақсадида ҳалокат жойига шошилган одамлардир.



АВСТРИЯДАГИ ТЕМИР ЙЎЛ СТАНЦИЯСИДА ЭВАКУАЦИЯ

Австриянинг Грац шаҳридаги бош вокзалда таҳдидли хабар туфайли эвакуация ишларини олиб боришга тўғри келди. Ҳуқуқ тартибот идоралари Bluesky ижтимоий тармоғи орқали мазкур маълумотни эълон қилган бўлса-да, мазмунни ёки шаклни очикланмаган. Поездларнинг ҳаракатланиш жадвалига ўзгартиришлар киритилиб, темир йўл станцияси энди қачон фаолиятини қайта тиклаши мумкинлиги юзасидан ҳам хабар берилмаган.

Авалроқ Германияда портлаш хавфи туфайли Пассау шаҳридаги темир йўл вокзалидан одамлар эвакуация қилинган эди.



ИЖТИМОЙ КАРТА НИМА ВА У КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

**БУГУН КУНДАЛИК ЛУФАТИМИЗДАН
ЎРИН ОЛГАН ЯНГИ АТАМА –
ИЖТИМОЙ КАРТА АСЛИДА НИМА
ЭКНИ ВА У КИМЛАРГА БЕРИЛИШИ
КЎПЧИЛИК УЧУН ҚИЗИҚ БЎЛИШИ
ТАБИЙ.**

**– ИЖТИМОЙ КАРТА 9 ТУРДАГИ
ИЖТИМОЙ ТЎЛОВЛАР ОЛУВЧИ
ШАХСЛАРГА ТАҚДИМ ЭТИЛМОҚДА, –
ДЕЙДИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ МИЛЛИЙ
АГЕНТЛИГИ МАТБУОТ КОТИБИ –
ДИРЕКТОРИНИНГ АХБОРОТ СИЁСАТИ
МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА МАСЛАХАТЧИСИ
ДИЛФУЗАБЕГИМ РУЗМЕТОВА. – УШБУ
ШАХСЛАРГА ИЖТИМОЙ КАРТА
БЕПУЛ БЕРИЛАДИ ВА У ДАСТЛАБ
ТЎЛОВ ВОСИТАСИ (БАНК КАРТАСИ)
ФУНКЦИЯСИНИ БАЖАРАДИ.**



2024 йил 1 декабрдан бошлаб тажриба-синов босқичида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг Янгийул туманида жорий этилган ижтимоий карта орқали куйидаги тўловлар тўлаб берилмоқда:

- кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси;
- кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам;
- ёшга доир нафақа;
- ногиронлик нафақаси;
- ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун ҳар ойлик моддий ёрдам;
- ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларга ногиронлик нафақаси;
- ногиронлиги бўлган болаларни парваришлаган оналар учун нафақа;
- протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари хариди учун ваучер;
- боқувчисини йўқотганлик нафақаси.

2025 йил 1 апрелдан бошлаб ушбу ҳудудлар (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг Янгийул туманида) бўйича яна қўшимча 2 турдаги ижтимоий тўлов, яъни, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси ҳамда "Саховат ва кўмак", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари" жамғармалари ҳисобидан тўланадиган бир марталик моддий ёрдам ҳам ижтимоий карта орқали тўлаб берилди.

Ижтимоий карта ушбу шахсларга бепул берилди:

- Камбағал оилалар реестрига киритилган оилалар (шахслар);
- "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали кам таъминланган, деб эътироф этилган оилалар;
- кўп болали оилаларнинг аъзолари;
- қогиронлиги бўлган шахслар;
- ўзгалар парваришига муҳтож шахслар бўлган ёлғиз яшовчи ва ёлғиз кексалар;
- ўзгалар парваришига муҳтож шахслар парвариши билан банд бўлган шахслар;
- етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар;
- васийлар (ҳомийлар), тутинган ота-оналар;
- муомалага лаёқатсиз шахслар;
- муомала лаёқати чекланган шахслар;
- муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган шахсларнинг қонуний вакиллари;
- пенсионерлар;
- давлат бюджети маблағлари ҳисобидан стипендия тўланаётган талабалар;
- давлат бюджети маблағлари ҳисобидан стипендия

тўланаётган ўқувчилар (тингловчилар);

- шаҳар йўловчи транспортдан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар.

Ижтимоий карта функциялари босқичма-босқич кенгайтириб борилади. Жумладан, 2025 йилнинг 1 апрелидан бошлаб транспорт картаси ва имтиёзли транспорт картаси функцияларини ҳам бажаради.

Тажриба-синов босқичида ижтимоий карта очиш учун электрон аризалар "Инсон" ижтимоий хизматлари марказлари орқали қабул қилинмоқда. Кейинчалик фуқаролар Ягона давлат интерактив хизматлари портали, "Ижтимоий карта" мобил иловаси орқали ҳамда ижтимоий карта бўйича белгиланган молиявий агентларнинг бўлинмалари (АТ "Халқ банки", АТ "Алоқа-банк") орқали мурожаат этишлари мумкин бўлади.

Ижтимоий карта ариза берилган кундан бошлаб 3 иш куни ичида тақдим этилади. Ўзгалар парваришига муҳтож айрим шахсларга "Инсон" ижтимоий хизматлари марказлари ходимлари томонидан 15 кун ичида ижтимоий карталар уларнинг яшаш жойига етказиб берилди.

Ижтимоий карта 2025 йил 1 июлдан бошлаб босқичма-босқич республиканинг барча ҳудудларида амалиётга жорий қилинади.

Маълумотларга кўра, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Ўзбекистонда «Ижтимоий карта» тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича БААдаги Oхinus Holding Limited компанияси билан шартнома тузган. Унга кўра, компания 3 миллион АҚШ долларини миқдорда сармоя киритмоқда.

Шунингдек, Visa асосидаги ижтимоий карта Ўзбекистоннинг барча терминалларида, уларнинг туридан қатъи назар, товарлар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имконини беради. Visa (p2p) ижтимоий карталари ўртасидаги ўтказмалар бўйича комиссиялар ҳам республика бўйича ўртача ставкалардан ошмайди. Ижтимоий карта орқали товарлар ва хизматлар учун тўловни амалга оширишда ижтимоий тўловларни олувчилардан қўшимча комиссия ундирилмайди. Агар нақд пул ечиб олиш учун комиссия 1 фоиздан ошса ёки ижтимоий картадан фойдаланган ҳолда товарлар, хизматларни харид қилишда қўшимча тўлов ундирилса, фуқаролар бу ҳақида 1140 ёки 1070 телефонлари орқали хабар беришлари мумкин.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.**

**ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ВАЛЮТА
ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ТОМОНИДАН
ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ШАРҲГА КЎРА, 2024
ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОНГА ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ
2023 ЙИЛГА НИСБАТАН 3,4 МИЛЛИАРД
ДОЛЛАР (30 ФОИЗ)ГА КЎПАЙИБ, ЖАМИ 14,8
МИЛЛИАРД ДОЛЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛГАН.
УШБУ МАБЛАҒЛАРНИНГ 77 ФОИЗИ РОССИЯДАН
КЕЛИБ ТУШГАН (2023 ЙИЛГА НИСБАТАН 29
ФОИЗГА КЎП). БУ ТРАНСФЕРТЛАРНИНГ ҚОЛГАН
ҚИСМИ ҚОЗОҒИСТОНДАН (795 МИЛЛИОН
ДОЛЛАР), АҚШДАН (577 МИЛЛИОН ДОЛЛАР),
ЖАНУБИЙ КОРЕЯДАН (534 МИЛЛИОН ДОЛЛАР),
ТУРКИЯДАН (405 МИЛЛИОН ДОЛЛАР), БУЮК
БРИТАНИЯ (135 МИЛЛИОН ДОЛЛАР) ВА БОШҚА
МАМЛАКАТЛАРДАН ЎТКАЗИЛГАН.**

ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ КЎПАЙДИ

Шу билан бирга, 2024 йилда 2023 йил билан солиштирилганда Ўзбекистонга келиб тушган трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажми Буюк Британиядан 83 фоизга, Жанубий Корейадан 56 фоизга, АҚШдан 35 фоизга ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатларидан 32 фоизга ўсган.

Регулятор бундай ўсиш суръатини меҳнат миграцияси йўналишида кузатишга ижобий тенденциялар, хусусан, мигрантларни қабул қилувчи мамлакатларда иқтисодий фаоллик, ишчи кучига талаб ва иш ҳақларининг ошиши ҳамда миграция географияси таркибида юқори даромадли мамлакатлар улушининг ортиши билан изоҳлаган.

Ўз навбатида 2024 йилда Ўзбекистондан чет элга юборилган пул ўтказмалари ҳажми 2,8 миллиард долларни (2023 йилга нисбатан ўсиш 19 фоиз) ташкил қилган.

ВАЛЮТА АЙИРБОШЛАШ ИНФРАТУЗИЛМАСИ КЕНГАЙМОҚДА

Республикамизда 2024 йилда банклар ҳамда аҳоли ўртасидаги чет эл валютаси олди-сотдиси бўйича айлан-манинг умумий ҳажми 25,5 миллиард долларни ташкил



этди. Бу 2023 йилга нисбатан 4 миллиард долларга кўп демакдир.

Марказий банк маълумотида кўра, ўтган йил давомида жисмоний шахслар банкларга 16,1 миллиард доллар миқдорда чет эл валютасини сотган. Шу билан бирга, банклар жисмоний шахсларга сотган чет эл валютаси ҳажми ҳам ўсиб, 9,4 миллиард долларни ташкил этган.

Аҳоли учун қулайлик яратиш мақсадида банкларнинг республика бўйлаб валюта айирбошлаш шохобчалари умумий сони 6,2 мингга етказилган. Жумладан, 24/7 режимида ишлайдиган, автоматлаштирилган валюта айирбошлаш банкоматлари сони ҳозирда 3,4 мингдан ортиқ бўлиб, улар аҳоли гавжум жойлар, туристик ҳудудлар, аэропортлар, вокзаллар, меҳмонхоналар ва савдо мажмуаларида жойлаштирилган.

Тоштемир МУРОД.

ҲАМ КЎПРИК ТАЪМИРЛАНДИ, ҲАМ СУВ КЕЛТИРИЛДИ

**МУАММОЛАРНИНГ ЕЧИМ
ТОПИШИ ЭЛ ОБОДЛИГИГА ХИЗМАТ
ҚИЛАДИ. ЮРТИМИЗДА АМАЛГА
ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ
ИСЛОҲОТЛАР ЗАМИРИДА АНА
ШУНДАЙ ЭЗГУЛИКЛАР МУЖАССАМ.
ЎЗИГА ХОС БУНДАЙ ЯНГИЛАНИШЛАР
НАФАҚАТ ТУМАН ВА ШАҲАР
МАРКАЗЛАРИ, БАЛКИ ЧЕККА
ҲУДУДЛАРДА ҲАМ ИЗЧИЛ ДАВОМ
ЭТАЁТГАНИ ЯНАДА ҚУВОНАРЛИ.**



"Олатемир" МФЙ Шўрчи тумани марказидан 20 километр оғисда жойлашган маҳалла. Ҳудудда 5 минг 200 га яқин аҳоли истиқомат қилади. 1 минг 100 дан ортиқ хўжалик бор. Қўшни Олтинсой тумани билан туташиб кетган қишлоқ аҳлини кўприк носозлиги ва ичимлик суви йўқлиги қийнаб келган.

– Халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилаш ҳар бир раҳбарнинг фаолият мезонига айланиши лозим, – дейди Ўзбекистон ХДП Шўрчи туман кенгаши раиси Ботиржон Ражабов. – Партияимиз фаоли Шокир Қобилов ташаббуси билан ўтган йили "Олатемир" маҳалласидаги кўприк таъмирланиб, фойдаланишга топширилган. Шу билан бир қаторда, уч километрдан ортиқ асосий ва ички йўللар тубдан яхшиланди.

Атроф-муҳитни асраш ва "яшил" иқтисодиёт йили" юртдошларимиз учун янада қувончли бошланди. Янги йилнинг дастлабки ойида 1 минг 100 дан ортиқ хонадон аҳли марказлашган ичимлик суви билан таъминлангани таҳсинга сазовор.



Бунинг учун 1 миллиард 200 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланиб, 8 километрга махсус қувурлар ётқизилди.

Кўпнинг дард-у ташвишига айланган қарийб ярим асрлик масалалар босқичма-босқич ҳал этилаётганидан одамлар

мамнун. Эртанги кун ва келажакка бўлган ишонч ошмоқда.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.**

МУАССИС:



**ЎЗБЕКИСТОН
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ**

O'zbekiston Ovozi

ТАНҲРИР НАҲҲАТИ:

Ulug'bek INOVATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Maqsuda VORISOVA

Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA

Muslihiddin MUHIDDINOV

Hayotxon ORTIQBOYEVA

Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. **E-mail:** uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**

Г — 137. 1700 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni —

Topshirilgan vaqti — 22:30

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda